

MILLIY TIKLANISH



23 (507) • 2018 йил 6 июнь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРГА ТУШУМЛАР ВА НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАВЖУД ИМКОНИАТЛАРНИ ТЎЛА ИШГА СОЛИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 5 июнь кuni ҳудудларда бюджетга қўшимча тушумлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда инфляциянинг олдини олишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, солиқ ва молия идоралари раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, компаниялар, хўжалик бирлашмалари, банклар раҳбарлари, видеоконференц-алоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорин Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодий модернизация ва диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни жадал тараққий эттириш ҳисобидан ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий-иқтисодий тафовутолари камайтириш борасида изчил ислохотлар олиб берилмоқда. Ҳудудлардан, янги сановат корхоналари ва кичик сановат зоналари ташкил этилиб, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағлари, банклар кредитлари ҳамда ҳорижий инвестициялар жалб қилинаётгани субвенцияга қарам бўлиб қолган туман ва шаҳарларда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июнда қабул қилинган "Маҳаллий бюджетларнинг шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аҳолиларнинг кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини барқарор молиялаштириш ва шу асосда аҳолининг реал даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Мажлисда бюджетга қўшимча тушумларни қўпайтириш ва инфляция даражаси барқарорлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мавжуд ҳолати атрофлича танқидий таҳлил қилиниб, бу борадаги энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Президентимизнинг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифлари давомида жойлардаги мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солиш ҳисобидан дастлаб бюджетга қўшимча равишда 5,3 триллион сўм ёки прогнозга нисбатан 12 фоиз кўп солиқ тушириш бўйича чоралар бел-

гила берилган эди. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган 5 ойида прогнозга нисбатан 2,7 триллион сўм ёки 16 фоиз кўп тушум туширишга эришилди.

Айни вақтда ўтказилган таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимликлар, молия-солиқ органлари томонидан бюджетга қўшимча солиқ тушириш борасидаги резервлар ҳали ҳам тўлиқ ишга солинмапти.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида солиқларнинг 60 фоизини илгаридек 171 та йирик корхона таъминлаб бергани бунинг асосий таъминлаб турибди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида жами солиқ тушумининг 50 фоизи "Ўзқорғаз" ва "Ўстюртаз" корхоналари, Навоий вилоятида эса 75 фоизи Навоий кон-металлургия комбинати ҳисобидан қопланган.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятида бу борадаги ишлар мутлақо талабга жавоб бермаслиги қаттиқ танқид қилинди.

Мисол учун, бозордаги савдо-сотиклар орқали тушадиган маблағларни таҳлил қилганда бўлса, афсуски, бу борадаги кўрсаткич Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 30 фоизга, Сергелида 7 фоизга, Яккасаройда 4 фоизга, Юнусободда 3 фоизга камайиб кетган. Бошқа туманларда ҳам аҳоли ана шундай ачинарли экани мажлисда алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Автотураргоҳларда тушум бўйича етарли назорат йўқлиги кузатишмоқда. Бунинг оқибатида маҳаллий бюджетларга 18 миллиард сўм тушмасдан қолган.

Наманган вилоятининг Норин ва Наманган туманларида ўтган 5 ой мобайнида савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ҳисобидан тўланадиган солиқлар миқдори камайиб кетган. Вилоятда солиқ ҳисоботлари тўлиқ таҳлил қилинмагани ва шу асосда тегишли чора-тадбирлар қўрилмагани туфайли қарийб 20 миллиард сўм солиқ ундирилмаган.

Урганиш ва ҳисоб-китоблар ҳалигача ишга солинмаётган бундай резервлар барча ҳудудларда мавжудлиги, умуман, жорий йилда прогнозга қўшимча равишда 8,1 триллион сўм солиқ тушириб, бюджетга жами солиқ тушумини 50,2 триллион сўмга етказиш имконини борлигини кўрсатмоқда.

Мажлисда мутасадди вазирлик ва идораларга бу соҳада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш, икки ҳафта муҳдатда қўшимча равишда 8,1 триллион сўм солиқ тушириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилиб, ҳар бир ҳудуд ва туман бўйича кунлик график ва аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва таъминлаш вазифаси топширилди. Шунингдек, қисқа муҳдатда ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда "Бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш штаби"ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда солиқ бўйича қарздорликни мажбурий ундириш, давлат фойдасига ўтказилган мол-мулкларни сотиш ҳисобидан бюджетга 772 миллиард сўм тушириш ва бу борадаги назоратни кучайтиришга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Видеоселекторда мамлакатимизда ўтган 5 ой давомида эришилган иқтисодий кўрсаткичлар ҳам танқидий жиҳатдан чуқур таҳлил этилди. Шу даврда инфляция даражаси 6,6 фоизни ташкил этиб, прогноз кўрсаткичидан ошмаган бўлса-да, нарх-наво Тошкент шаҳрида 7,4 фоизга, Андижонда 7,3 фоизга, Қорақалпоғистонда 7,1 фоизга ўсгани ва бунга сабаб бўлган омиллар, бошқарув соҳасидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳудудларда мена-сабзавот, чорва, парранда, балық ва асал етиштиришни кескин қўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда тадбиркор ва фермерларга зарур миқдорда кредит маблағлари, озуқа етиштириш учун ер майдонлари, шунингдек, барча керакли имтиёзлар берилмоқда. Лекин, афсуски, давлат миқёсида кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликнинг аниқ амалий натижалари жойларда ҳанузгача умуман сезилмаяпти. Бу, ўз навбатида, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаб туришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мажлисда шу нуқтаи назардан гўшт нархи бозорларимизда қимматлашиб бораётганининг сабаблари атрофлича таҳлил қилинди. Бунинг асосий сабабларидан бири — омухта ем, шрот ва шелуха етарли эмаслиги ва бу чорва озуқаларининг белгиланган нархларга нисбатан анча қиммат сотилаётгани билан боғлиқ.

Афсуски, бозорларимизда савдо маданиятига риоя қилмаслик, бу борадаги талаб ва мезонларни бузиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса нарх-наво сунъий равишда ошиб кетаётганининг яна бир жиддий сабабидир. Бозорларнинг раҳбар ва мутасаддилари бу ҳолатнинг олдини олмасдан, аксинча, ўзлари таъмағирлик ҳолатларига йўл қўймоқда.

Мажлисда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Маълумки, ички бозоримизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нарх-наво охиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил қилинган эди. Ана шу жамғарма фаолияти яхши йўлга қўйилмагани туфайли шу кунга қадар 155 миллион долларлик шакар, ўсимлик ёғи, картошка ва товۇқ гўшти четдан импорт қилинган. Нарх-навоини барқарорлаштириш бўйича жамғарманинг ўрни ва таъсири мутлақо сезилмаяпти. Жамғарма айрим тадбиркорлар манфаатига хизмат қилмаган кредит ташкилотига айланиб қолганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, деб таъкидланди давлатимиз раҳбари.

Ана шу танқидий фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мажлисда мазкур жамғарма фаолиятини жиддий текшириш бўйича Бош прокуратурага

тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари одамларнинг обод ва фаровон ҳаёт кечириши учун ўта муҳим бўлган қурилиш материаллари нархи йилдан-йилга ошиб бораётганини ҳам афсус билан қайд этди. Бу эса инфляция даражасига салбий таъсир кўрсатаётгани, йил бошига нисбатан қурилиш материаллари нархи мамлакатимиз бўйича 16 фоиз, жумладан, Тошкент вилоятида 23 фоиз, Сурхондарёда 20 фоиз ва Хоразмда 19 фоиз ошганига тегишли мутасадди ва раҳбарлар эътибори қаратилди.

Бу йил сув камлигини ҳисобга олиб, такрорий экин майдонини 238 минг гектарга қисқартирганимиз маҳсулот етиштириш ҳажми камайишига ва бунинг натижасида нарх-навоининг ошишига сабаб бўлмаслиги зарур. Шунинг учун қолган 680 минг гектар ерга такрорий экинларни тўлиқ экиш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан ички бозор учун ҳам, экспорт учун ҳам етарли миқдорда ҳосил олишни таъминлашимиз керак. Сувдан тартиб билан, оқилона фойдалансақ, барча экинларга сув етади, деди Президентимиз.

Кўрсатиб ўтилган бундай муаммоларни ҳал этиш учун Такрорий экинларни экиш бўйича республика штаби ва ишчи гуруҳи ташкил этиш ҳақида аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди. Такрорий экинларни экиш, парвариш ва етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш, ғалладан бўшаган ерларга пешма-пеш такрорий экинлар экишни уюшқоқлик билан ташкил этиш борасида тегишли вазифалар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш, фермерлар билан такрорий экинлардан олинадиган маҳсулотлар бўйича шартномалар тузиш, аванс маблағларини ўз вақтида ажратиш билан боғлиқ чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, бу йил ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлашдан олдин сўғормаслик юзасидан ҳам аниқ вазифалар келишиб олинди.

Мажлисда тегишли раҳбар ва мутасаддиларга 2018-2021 йилларда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш, ушбу тармоқда рационал озуқа базасини шакллантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ҳар бир ҳудуд бўйича асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаб, махсус жамғарма ҳисобидан уларни импорт қилиш учун тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш ҳақида амалий кўрсатмалар билдирилди.

Селектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси бўйича қатъий назорат ўрнатиш ва мунтазам равишда ахборот бериб бориш зарурлиги таъкидланди.

Ў.А

✓ **Партия қабулхоналарида**

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЯПТИ

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган эзгу гоя асосида жойларда фуқаролар билан доимий мулоқотлар ташкил этилаётир, уларни қийнаётган муаммоларга ўз вақтида ижобий ечим топилаётир. Айни шу мақсадда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг жойлардаги ташкилотлари қошида ташкил этилган Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш секторлари ҳам аҳоли мурожаатларини тинглаш, уларни қийнаётган муаммо ва эҳтиёжлардан бохабар бўлиш ҳамда ўз вақтида бартараф этишга интиломоқда. Хусусан, партия Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларининг бу борада олиб бораётган ишлари эътиборга молик.

— Мамлакатимизда фуқаролар билан мулоқотнинг янги тизими — халқ қабулхоналари институтининг ташкил этилгани давлат идоралари ва аҳоли ўртасидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш, очикликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси дивони Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Одилжон Ботиров.

3-бет

✓ **Ўзлик ҳақида суҳбат**

ЎЗИНИ БОЛАЛАР ҚАЛБИДАН ТОПГАН ИЖОДКОР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФЕЛЬЕТОНЧИЛИКДАН АДАБИЁТГА ҚАЙТГАНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси ҳамкорлигида йўлга қўйган "Ўзлик ҳақида суҳбат" лойиҳаси доирасида ўтган давр мобайнида таниқли олим ва ёзувчилар, жамоат ва фан арбоблари, партия фахрийлари билан суҳбатлар уюштирилди ва улар ўз муҳлисларини топиб улгурди. Ва бундай суҳбатлар изчиллик билан муштариплар эътиборига ҳавола қилинмоқда...

Ўзликни англаш — бу сўнгсиз жараён. Унинг ибтидоси бевосита болалигимизга бориб тақалади. Дастлаб атроф-муҳитни, ота-онани, яқинларимизни англай бошлаймиз, сўн дунё илмларини ўрганишга киришамиз. Ана шу "болалик" деб аталувчи бегубор дамларда ўрганишимиз, қалбимизга жо бўлгани келажакда ўзликимизни англаш ва топишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугунги суҳбатимизга бола қалби билмидон, сўз санъатининг моҳир намояндаси, бетакрор адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Худойберди Тўхтабоев**ни таклиф этдик. Адиб билан суҳбатни "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири ўринбосари **Исमत ХУДОЁРОВ** олиб борди.

5-бет

✓ **Янги руки: Замонамиз зиёлиси**

ЧЎҚҚИГА БУРГУТ ЯРАШАДИ

Мамлакатнинг ижтимоий-маънавий тараққиети кўп жиҳатдан миллат зиёлиларининг жамиятда тутган мақоми ва ўша жамият аъзоларининг унга бўлган муносабати билан белгиланади. Ўтган асрда зиёлиларимиз жамиятдаги барча ислохотнинг марказида бўлди ва бу, табиийки, ижтимоий ҳаёт ойнаси бўлмиш бадиий адабиётда кўпроқ ўз аксини топди.

Агар жадид адиблари зиёли образини марказга қўйиб, унинг нигоҳи-ла мавжуд ижтимоий ҳаётни таҳлил этишга интилан бўлса, шўро даврида зиёли образи узоқ вақт "меҳнат кишиси" соясида қолиб келди. Жадид адабиётидаги зиёли ижтимоий ҳаётни танқидий нигоҳ билан кузатиб, ундаги иллатлар сабаби ва ундан қўтилиб тараққий этиш чоралари ҳақида ўйлаган, шу йўлда изланган ва ҳатто жон фидо қилган инсонлар эди. Шўро адабиёти эса зиёлини орқа планга сурибгина қолмай, балки уни энг муҳим атрибути — ўйлашдан маҳрум этди.

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади.

Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим си-

фатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгилинишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билиминини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билиминини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий

таъсир кўрсатмоқда; **учинчидан**, олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

2-бет

Фракция позицияси

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ

ЎзМТДП ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Шу йилнинг 31 май кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилги ҳамда 2018 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисоботлар куйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Беинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаётган, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ханузгача қониксиз бўлиб қолмоқда;

олтинчидан, республикамизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича тақлиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларнинг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш мuddати камидан уч йил бўлган бакалаврият ҳамда камидан бир йил бўлган магистратура жорий этиш, бунда магистратурада мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқариш (амалий) (камидан бир йил) ва илмий-педагогик (камидан икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида ташкил этиш;

олий таълим муассасалари бакалавриятга қабул қилиш квоталаридан ташқари хорижий фуқароларни суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларнинг виза талабномаларига асосан ўқишга кириш истагини билдирган хорижий фуқароларнинг кириш визаларини ўрнатилган тартибда консуллик ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирсин.

3. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч (етақчи) олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини кадрлар буюртмачиларининг эътиёжларидан келиб чиқиб, мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш тартиби жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой мuddатда Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда асосий эътиборни:

баҳолаш тизими ва мезонларини узулқисс таълим тизимининг босқичларига мувофиқлаштиришга; таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, иждоий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усулларини, шу жумладан, муайян фандан дарс берган педагогнинг ақуний на-

зорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этишга;

б) 2018 йил 1 декабрда бўлган мuddатда олий таълим муассасалари битирувчиларини ақуний давлат аттестациясидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

в) 2019 йил 1 мартга бўлган мuddатда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида **“талабанинг ўзлаштириш даражаси – профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони”** тамойилини жорий қилишнинг аниқ механизмларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрсин. Бунда ушбу тамойил талабаларига жавоб бермайдиган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўриш белгилансин;

г) 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг вақтини ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга сарфлашнинг олдини олиш ҳамда уларни талабалар билан кўпроқ ишлашга йўналтириш, шу жумладан, **“устоз – шогирд”** тизимини жорий этиш мақсадида ўқув юкларини ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар “вақт меъёрлари”нинг янги механизмларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йўналишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқлансин.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимлар мазкур талабни бузганлиги учун эғаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий оғохлантирилсин.

6. Барча олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамайти институтлари вакиллари билан иборат таркибда жамоатчилик кенгашлари ташкил этилсин. Қўйидагилар жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;

талабаларнинг мувожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

олий таълим муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги етакчиси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Олий таълим муассасалари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилансинки, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилиш тегишли кафедранинг кенгайтирилган очик мажлисида педагог кадрлар ва жамоатчилик кенгашининг аъзолари иштирокида синов дарси ўтказиш натижалари бўйича ушбу мажлиснинг тавсиясига кўра амалга оширилади;

Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви ҳамда кўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ва икки томонлама тан олинмаган диплом бериш амалиёти жорий этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда: олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларидаги тест саволларини тайёрлаш услубларини илғор хорижий таърибга асосда қайта кўриб чиқсин ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тақлифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин; илғор халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва ҳокazo) сертификатларига эга бўлган абитуриентларга тегишли фанлардан белгиланган энг юқори балл бериш ва ушбу фанлар тест синовидан озод қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

давлат ва жамят ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳияти олий таълим муассасалари томонидан телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли эътиборига етказилиши таъминлаш;

худоудларни, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг кенг муҳокамасида олий таълим муассасаларининг фаолиятини таъминлаш;

инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларини яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ташкилотлари раҳбарлари, етакчи мутахассислари, фаол тадбиркорлар билан долзарб масалаларда семинар ва давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб бориш, уларнинг фаолиятида юзга келаётган муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий-амалий иланишларни олиб бориш;

олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги маъсулиятини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгилаш, ҳар бир ректор ва проректор учун ушбу йўналишда алоҳида “Йўл хариталари” ишлаб чиқиш ва тасдиқланишини таъминлаш, уларнинг ижросини назорат қилиш.

10. Белгилаб қўйилсинки: олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозимни ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозими жорий этилади, ёшлар билан ишлаш бўйича проректорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар ўзбекистон

таълим вазири, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар раҳбарлари – тегишли олий таълим муассасалари ректорлари ва проректорларининг, инновацион ривожланиш вазири – барча олий таълим муассасалари илмий ишлар ва инновацион бўйича проректорларининг фаолияти натижаларини уларнинг “Йўл хариталари” да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда камидан бир марта танқидий муҳокама қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар раҳбарларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда тегишли олий таълим муассасаларининг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан қўйидаги чора-тадбирлар ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама этилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокама натижаларига кўра олий таълим муассасалари ректорларининг эғаллаб турган лавозимига лойиҳлиги ёки нолойиҳлиги масаласини кўриб чиқади; олий таълим муассасалари ректорларининг фаолияти самарадорлигига баҳо беришда ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг кенг жалб қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини очиб қилишнинг ташаббускорлиги инобатга олинади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда олий таълим муассасалари талабаларини илмий фаолиятга йўналтиришга ва уларда инновацион фикрлашни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

янги ғоя ва ташаббусларни шакллантириш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида “Еш экспертлар гуруҳи”ни ташкил этиш;

ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш;

ҳар бир олий таълим муассасасида 1-курс давомидан саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этиш (мазкур гуруҳлардаги талабалар сони олий таълим муассасаси томонидан белгиланади); 2-курсдан уларни ўқитишни алоҳида ўқув режа ва дастурлар асосида амалга ошириш, ушбу тизимдаги талабаларни магистратурага мақсадли қабул қилиш ва бу орқали олий таълим муассасалари кафедралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш;

12. Еш олим ва талабаларга ҳамда ташаббускор фуқароларга мамлакатда инновацион ғоя ва технологияларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун топширилган “Инновацион ғоялар етакчиси” кўрак нишонини таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда “Инновацион ғоялар етакчиси” кўрак нишонини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар ўзбекистон

Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда бир ой мuddатда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тушунтириш бўйича чиқишларни ташкил этиш юзасидан ҳар бир олий таълим муассасасининг йиллик режа-графикини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган қўшимча 2 та штат бирлигини ажратган ҳолда Ахборот хизматини ташкил этиш;

олий таълим муассасалари тузилмаларида уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 1 тадан штат бирлигини ажратган ҳолда матбуот котиби лавозимини жорий этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда:

а) олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар, даврий журналлар билан таъминлаш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам равишда янгиллаб боришни;

илгор хорижий ўқув ҳамда илмий адабиётлар ва журналларни харид қилиш ишларига кенг имкониятлар яратиш, энг янги хорижий адабиётларни таржима қилиш ва ўқув жараёнига жорий этишни назарда тутадиган Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

б) Олий таълим муассасалари талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

а) бир ой мuddатда қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

олий таълим муассасаларида халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланишга шартли равишда, профессор-ўқитувчиларнинг илмий натижаларини халқаро миқёсда кенг нашр этиш, республика етакчи илмий журналларнинг босқичма-босқич юқори импакт-факторга эга бўлишини таъминлаш;

олий таълим тизиминида бошқарув жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида оптималлаштириш, мавжуд ахборот тизимларини интеграциялаш, тахлий маълумотлар тайёрлашнинг самарали тизимларини жорий этиш;

б) ахборот ресурсларининг электрон шаклда қабул қилиш тизимини босқичма-босқич яратиш бўйича 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қўшма ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 июнь

Фракция позицияси

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар Давлат бюджети ижросини партия дастурий вазифалари, электрор манфаатлари нўқтани назардан кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳаза ва тақлифларини билдирди.

Фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган фракция йиғилишида депутатлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамятининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирларнинг натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантирилиши ва иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари таъминланганига эътибор қаратди.

Утган йили валюта сиегатини либераллаштириш ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётганлиги таъкидланди. Буларнинг натижасида 2017 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,3 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги 2, хизматлар 8,9 ҳамда қурилиш 5,6 фоизга ўсиши таъминланганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, тушумлар барқарорлигига эришилганлиги ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишини таъминлаш орқали Давлат бюджети 337,3 миллиард сўм еки янги ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридан профицит билан ижро этилган.

Фракция аъзолари 2017 йилда иқтисодиётни янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, диверсификация қилиш ва таркибий ўзгариш, ишлаб

чиқаришга энг замонавий, илгор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга замин яратди.

Шу билан бирга, Давлат бюджетининг ва давлат мақсади жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи чорағиди ижроси тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилиш давомида фракция аъзолари Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ва харажатларининг сарфланиши ҳолатини ҳам таҳлил қилдилар. Қайд этилгандек, 2018 йилнинг биринчи чорағи давомида Давлат бюджети даромадлари ўтган йилнинг мс даврига нисбатан 38,2 фоизга ўсган ва белгиланган режа ортинга билан, яъни 115,1 фоизга бажарилди.

2018 йил биринчи чорағида Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносиблигини таъминлаш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларни бажариш мамлакат бош молиявий ҳўжжати ижросининг устувор йўналишлари бўлди.

Ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолиниб, ушбу йўналишга Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 54,5 фоизи миқдорида маблағ сарфланди. Хусусан, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми ёки 52,7 фоизи таълим тизимини муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига йўналтирилган депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Бунда таълим тизимиди ислохотларни янада қўқурлаштириш, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини такомиллаштиришга қаратилган таълим стандартлари ва дастурларини мукамиллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрлари ходимларининг иш ҳақи ва

моддий-техник базасини мустаҳкамлашни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Биринча мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар сонининг ортиши, озиқ-овқат нархининг кўтарилиши сабабли ушбу муассасалар учун Давлат бюджетидан 2018 йил учун қўшимча 163,2 миллиард сўм маблағ ажратилгани, амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар самарасида мактабгача таълим муассасаларининг болаларни қамраб олганлик даражаси ўртача 32,8 фоизни ташкил қилаётгани эътироф этилди.

Йиғилишда таъкидландики, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурини ижро этиш мақсадида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳам муайян маблағлар қўзда тутилган. Уларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш, бундан парламент аъзоларининг фаоллигини янада кучайтириш лозим.

Фракция аъзолари Давлат бюджетининг ўтган йили ва жорий йил биринчи чорағиди ижросини муҳокама қилар экан, партия дастурий вазифаларига мс равишда маданий мерос объектларини сақлаш, инвентаризациядан ўтказиш, давлат рўйхатига олиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари ҳамда туризм соҳасига йўналтирилаётган бюджет маблағларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, маданий мерос объектлари учун аввалги йилларда 23,5 миллиард сўмгач

Қарор ва ижро

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастурида болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва ҳудудий жиҳатдан мақбул жойлаштириш бўйича бошланган ишларни манتيқий давом эттириш, болалар ижодий салоҳиятини ошириш, мусиқа ва санъатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, бу борада тўпланган тажрибаси ва меросини ўрганиш учун шарт-шароит яратиш каби мақсад вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловди Платформасида мамлакатимизда болаларнинг рухий-маънавий дунёси ва маданий савиясини ўстиришда нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатини ҳам чуқур ўрганиш ва ютуқларини ўзлаштириш, халқаро нуфузли танловлар ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданият муассасалари, "Баркамол авлод" билан марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга кўмаклаштириш маънавий ва маърифий соҳадаги устувор вазифалардан бири саналади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши, туман (шаҳар) кенгашлари ходимлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат ишчи гуруҳлар вилоятдаги барча болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти ва уларда "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини ижросини ўрганди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 15 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 12 таси 2010-2016 йиллар оралиғида янги қурилган, қолган 3 таси капитал реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган.

Мазкур мактаблар жами 2 минг 550 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, айни пайтда 3 минг 489 ўқувчи таҳсил олмақда. Мирзачўл ва Зафарободдан ташқари барча туманда ўқувчилар белгиланган миқдордан ортиқ қабул қилингани аниқланди.

Бугунги кунда вилоятдаги жами мактаб ўқувчиларининг 1,7 фоизи мусиқа ва санъат мактабларига қамраб олинган. Улар орасида кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бор.

Зомин, Пахтакор ва Фаллаорол туманларида белгиланган йўналишларнинг барчаси бўйича сабоқ берилаётган бўлса, мутахассис ва педагог кадрларнинг етишмаси натижасида Арнасой, Мирзачўл, Бахмал ва Зарбдор туманларида айрим йўналишлар таълим жараёнига киритилмаган.

Мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларида жами 456 ўқитувчи таълим бормоқда. Уларнинг 102 нафари олий, қолган 354 нафари ўрта-махсус маълумотга эга. Бу эса мазкур мактабларга олий маълумотли малакали кадрларни жалб қилиш зарурлигини тақозо этади. Ўрта-махсус маълумотга эга ўқитувчиларнинг аксарияти вилоятдаги Жиззах санъат коллежини битирган ўқувчилардан иборат.

Ўрганишлар жараёнида ўқитувчиларнинг малака ошириши борасида ҳам суҳбатчиликка йўл қўйилаётгани аниқланди — сўнгги уч йил мобайнида жами ўқитувчининг 73 нафари малака оширган, холос. Фақат Жиззах шаҳар, Арнасой ва Пахтакор туманларидаги мактабларда малака ошириш тизимида ижобий ҳолат кузатилаётган — ўқитувчилар Р.Г.Лизер номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамда Жиззах давлат педагогика институтини малака оширган. Айрим ҳудудлардаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида малака ошириш тизими яхши йўлга

қўйилмаган. Бу ҳолатни мазкур мактаблар маъмурияти болалар мусиқа ва санъат мактаблари Халқ таълими вазирлигидан Маданият вазирлигига ўтказилгани, бу эса моддий-техник база, малака ошириш сингари тизимларга салбий таъсир этгани билан изоҳлашди. Педагог ходимларнинг малака ошириш жараёнида асосий технологиялар асосида ўқитиш, янги мусиқий асбоблар билан таништириш, амалий ишлар олиб боришда янгиликлар талабга жавоб бермаслигини ҳам таъкидлашди.

— Ўрганишлар жараёнида Жиззах шаҳрида санъатта иштиқомд болалар кўпчилиги ва ҳудуддаги иккита мусиқа мактаби уларни тўла қамраб олиш имкониятига эга эмаслиги аниқланди, — деди ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси Нигора Мухторова. — Бу эса мавжуд мусиқа ва санъат мактаблари учун қўшимча ўқув бинолари ёки янги мактаб қуришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларининг барчасига хос бўлган яна бир муаммо шундан иборатки, таълим муассасаларида хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган методик қўлланмалар мавжуд эмас, маҳаллий ва хорижий композиторлар ижодига оид нота тўпلامлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, мультимедиа шаклидаги ўқув адабиётлари ва кўргазмалар қуроллар етишмайди, мавжуд адабиётларнинг аксарият қисми эски ва яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу эса ҳар йили давлат бюджетидан умумтаълим мактаблари дарсликлари учун ажратилаётган маблағлар доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларига керак бўладиган дарсликлар сони ва турини ҳам эътиборга олишни талаб этади.

Бундан ташқари, мактаблар учун ўрнатилган бадал пули миқдори ҳақида ҳам ўйлаб қўриш керак. Чунки бу туман ва шаҳарларнинг марказида жойлашган аҳоли учун мақбул нарх ҳисоблангани мумкин, аммо чекка туман ва қишлоқлардаги ота-оналарга қийинчилик туғдирмоқда. Мактабга бориб-келиш харажати, фарзанди учун чолғу асбобларини олишга сотиб олаётган оиланинг молиявий ҳолатига таъсир қилаётган.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда узоқ ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудлардан мактабга қатнаётган ўқувчилар учун бепул автобус қатновини йўлга қўйиш ёки имтиёзли нарх белгилаш тақлифи билдирилди.

Шу ўринда вилоятдаги айрим мусиқа ва санъат мактабларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда янги ўқув дастурлари ва ўқитиш методикалари ишлаб чиқилгани ҳамда мукамал ўқув-педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарс машғулотлари "устоз-шогирд" аънавалари асосида, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон доскалардан умумий фойдаланган ҳолда ўтилмоқда. Мазкур мактабларнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари халқаро ва республика миқёсида ташкил этилган кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазма ва концертларда иштирок этиб яхши натижаларни қўлга киритган. Масалан, 2016-2017 йиллар давомида 8 ўқувчи халқаро, 9 ўқувчи республика миқёсида ўтказилган танловларда иштирок этган ва фахрли ўринларни эгаллаган, 2009 йилдан буён мактабларнинг 16 нафар ўқитувчи ва журналистлари тармоқ ва давлат мукофот-

лари билан тақдирланган.

Ўрганишлар жараёнида байрам ва тадбирларда ҳудуддаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ёхуд туманларда концерт дастурларини уюштириш ва саҳналаштириш борасида профессионал композиторларнинг амалий ёрдами зарурлиги маълум бўлди. Мактаблардаги ошоналар ҳолатини қайта кўриб чиқиш, пуфлама чолғу асбоблари билан таъминлашга доир муаммоларни бартараф этиш, мавжуд тиббиёт хоналарини дори воситалари ва жиҳозлар билан таъминлаш, ҳамшира штати ҳамда ойда бир маротаба ўқувчи ва ўқитувчилар учун тиббий кўриklar ташкил этиш кераклиги аниқланди. Мактаблар тасарруфидоги концерт залларига эътибор қаратиш, ўрта-махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчи ва ходимларни қайта тайёрловдан ўтказиш, малакасини ошириш, уларга олий маълумот олиши учун шароит яратиш зарурлиги маълум бўлди.

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши маълумотлари асосида "Milliy tiklanish" мухбири Дилфуза МАҲҚАМОВА тайёрлади.

Самарқанд вилоятида 29 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият қўрсатиб, уларда тарбияланаётган 6 минг 864 ўқил-қизларга 1 минг 145 педагог-мураббий санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Мазкур мактабларда ташкил этилган мусиқа, рақс, чолғу асбоблари сингари йўналишлар ва воқал болалар ижодий жамоаларининг сони эса 40 дан зиёд.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида 455 нафар ўқувчига 12 та йўналиш бўйича сабоқ берилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ва шаҳар кенгаши фаоллари, маданият бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд шаҳар бўлими масъул ходимлари муассасада ўқувчилар учун яратилган шароитларни ўрганди. Ўрганиш жараёнида аниқланганича, ҳар бир синф хонаси белгиланган мусиқий йўналишда замон талабларига мос ҳолга келтирилган, бу эса сифатли таълим учун муҳим аҳамиятга эга.

Аммо мустақам моддий-техник базага эга бўлган мусиқа мактабида кадрлар масаласида муаммолар мавжудлиги, яъни, ўқитувчиларнинг асосий қисминини ўрта-махсус маълумотли педагоглар ташкил этиши, олий маълумотли ўқитувчилар етишмаслиги аниқланди.

— Ўзбекистон давлат консерваториясини шу йил тамомлаётган 145 нафар самарқандлик талаба билан суҳбатлашиб, уларни ўз мутахассисликлари бўйича мактабимизга ишга тақлиф қилдик, — дейди муассаса раҳбари Исмоил Хусайнов. — Афсуски, улардан бори-йўғи 3 нафари Самарқандга қайтишини, қолгани пойтхтда қолиб ишлашни билдирди. Ваҳоланки, шаҳар ва туманлардаги аксарият болалар мусиқа ва санъат мактабларида олий маълумотли соҳа мутахассислари эҳтиёж катта. Депутатлар шу масалани атрофлича ўрганиб, унинг ечими бўйича белгиланган тартибда тегишли вазирликларга тақлиф киритса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Партия фаоллари ўрганиш давомида ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳам фикрларини эшитди, муаммоларини тинглади. Масалалар ечими бўйича эса депутатларга тегишли тартибда тақлиф берилди.

Жамшид ХУШВАҚТОВ, ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Партия қабулхоналарида

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Аҳоли билан партия ташкилотлари ва депутатларимиз ўртасида доимий мулоқот ўрнатилмоқда, уларнинг дарду ташвишлари, муаммолари ўрганиб борилмоқда. Фуқаролардан келаётган ҳар бир ариза, шикоят ва тақлиф чуқур ўрганилиб, уларга ижобий ечим топишга интиляпмиз. Масалан, шу йилнинг ўтган беш ойи давомида фуқаролардан партия ташкилотларига келиб тушган 185 мурожаатнинг 134 таси ёки 73 фоизи ижобий ҳал этилди. Бирорта мурожаат эътибордан четда қолмапти. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига йўналтирилиб, тегишли мутасаддиларга депутатлик сўвралари юборилмоқда.

Олтинкўл тумани "Узун кўча" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шаҳло Жалилова ўзи ва турмуш ўртоғи

оширилаётган йирик лойиҳа — "Сайёра фаввораси" корхонаси тез кунларда ишга тушиши ва ёшларни ана шу корхонага ишга жойлаштириш мумкинлиги маълум қилинди. Унга қадар эса маҳалла ёшлари партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида тикув-текстил йўналишида малакасини ошириш бўйича ўқув курсига жалб этилди. Бу эса ёшларнинг билим кўникмаси ошишида айни муддао.

Мамлакатимиз аҳолиси йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг кундалик эҳтиёжларидан бири — табиий газ бўлган эҳтиёжини ҳам ошираётган. Айниқса, аҳоли энг зич жойлашган Андижон вилоятида фуқароларнинг газ таъминоти билан боғлиқ муаммолари, хусусан, янги оилалар, маҳаллаларда табиий газ тармоғига уланмиш, бир неча йил аввал ўша пайтдаги хонадонлар ва аҳоли сонига

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЯПТИ

нинг бандлигини таъминлаш ва вояга етмаган фарзанди учун болалар нафақасини олишда амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашига мурожаат қилди. Мурожаат депутатлар томонидан ўрганиб чиқилганидан сўнг Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан Олтинкўл тумани бўлимаси мутасаддиларига депутатлик сўрови юборилди. Натижада Шаҳло Жалилова ва унинг турмуш ўртоғи ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, вояга етмаган фарзанди учун бола нафақаси тайинланди.

Хонобод шаҳар "Мустақиллик" МФИда яшовчи Шоҳида Рустамова мутахассислиги бўйича иш билан таъминланишида амалий ёрдам сўраб партия Хонобод шаҳар кенгашига мурожаат қилди. Мазкур мурожаат юзасидан Хонобод шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказига хат чиқарилганидан сўнг фуқаро иш билан таъминланди.

— Анчадан буён мутахассислигим бўйича иш қидираётганим. Ҳеч имкони бўлмаганидан сўнг ЎзМТДП Хонобод шаҳар кенгашидан амалий ёрдам сўрадим, — дейди Шоҳида Рустамова. — Мурожаатим тезда қўриб чиқилди. Орадан кўп ўтмай партия ташкилоти кўмағида ҳудудимиздаги "ЛЭНС Текстил" корхонасига ишга қабул қилиндим. Бундан жуда хурсандим.

Хўжабод тумани "Хидирша" МФИда яшовчи Гаҳварди Жаҳонгирова ҳам анча вақтдан буён иш қидираётган. У амалий ёрдам сўраб шу туман партия кенгашига мурожаат қилди. Натижада, депутатлар кўмағида тумандаги "Барчиной текстил" корхонасига ишга жойлашди.

Бўз туманининг "Гузар" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Кўзибой Эргашевдан туман партия кенгашига маҳаллада ишсиз юрган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашда амалий ёрдам сўралган мурожаат келиб тушди. Фуқаронинг мурожаати депутатлар томонидан ўрганилиб, туман миқёсида амалга

мўлжаллаб тортилган газ қувурларидаги босим бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани сабабли бу борада тез-тез мурожаат келиб тушмоқда.

Асака туманининг Мирзо Улугбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар маҳалланинг тўрта кўчасини табиий газ тармоғига улаш бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаатга асосан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан Асака туман ҳокимлиги ва "Узтрансгаз" акционерлик жамиятининг туман филиали мутасаддиларига депутатлик сўрови юборилди. Натижада ушбу ҳудуднинг табиий газ тармоғига уланмиш масаласи маҳаллий дастурга киритилганидан бўлди.

Айнан шундай мурожаат вилоятнинг Избоскан тумани Амир Темур номидаги МФИ Галаба кўчаси 1-уйда истиқомат қилувчи Гулжаҳон Тожибоева томонидан ҳам келиб тушди.

— Яхши ниятлар билан янги уй-жой қуриб кўчиб ўтдик, — дейди Гулжаҳон Тожибоева. — Хонадонимизни табиий газ тармоғига улашда амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашига мурожаат қилдим. Мурожаатим ижобий ҳал этилди. Партия депутатлари "Узтрансгаз" акционерлик жамиятининг Избоскан туман филиали мутасаддиларига депутатлик сўрови юборди. Натижада уйимиз табиий газ қувурларига уланди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, аҳоли жойларда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлар кўмағида ишониб, уларга мурожаат қилаётган. Бунда ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш секторлари муносиб улуш қўшмоқда.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДОЛЗАР ВАЗИФА

Жойлардаги ўқув-семинарлар ана шундай мақсадга қаратилмоқда



Бошлангич партия ташкилоти партиянинг энг қуйи тузилмаси сифатида аҳолининг турли қатламлари билан беvosита иш олиб бориш, дастурий вазифаларни тарғиб-ташвиқ қилиш, партия сафини унинг мақсад ва гоҳларини қўллаб-қувватлайдиган фаол аъзолар билан кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, аҳоли билан мунтазам мулоқот ўрнатилиши, партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан ҳамкорликда жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан тақлиф-ташаббуслар ишлаб чиқиш имконига ҳам эга.

Модомики шундай экан, ўз-ўзидан савол туғилади: мавжуд барча бошлангич ташкилот ҳам ўз ваколати доирасида иш олиб бораётми? Бугун ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларининг партия гуруҳлари билан ҳамкорлиги қай даражада йўлга қўйилган? Жойларда партия электорати манфаатлари ҳимояси таъминланаяпти-

ми? Истиқболдаги вазифалар нималардан иборат? Бу каби савол-масалалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари томонидан ўтказилаётган "Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришдаги асосий вазифалар" мавзусидаги ўқув-семинарларда чуқур ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ташкил этган семинарда партиянинг Бўстонлик, Қибрай туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳар кенгашлари тизимидagi қуйи бўғин етакчилари ва фаоллари иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров асосий эътиборни бошлангич партия ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, партиянинг сайловди Платформаси ижроси, ҳудудий партия ташкилотларининг партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини янада мустақамлаш каби мақсад-вазифаларга қаратди.

Таъкидланганидек, айни пайтда партиянинг аҳолига энг яқин бўғини ҳисобланган бошлангич партия ташкилотларининг турли жабҳада рўй бераётган ўзгаришлардан аҳолини ҳабардор қилиш, қабул қилинаётган қонун, фармон, қарор ва давлат дастурлари мазмун-моҳиятини тушунтириш, ЎзМТДП гоҳларини кенг тарғиб қилишдаги фаолиятда жонлиқни кузатилаётган бўлса-да, лекан у ҳали етарли эмас.

Семинарда қуйи бўғинлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, улар фаолиятида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этишни мумкин жиҳатлари хусусида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши тизимидagi қуйи бўғинларнинг туман ва шаҳар партия ташкилотлари кесимидаги ўсиш динамикаси, дастурий вазифалар ижроси йўналишида амалга ошираётган ишлари чуқур таҳлил қилинди.

Шунингдек, сиёсий партиялар учун муҳим синов — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, хусусан, қуйи бўғинлардан ҳам фаоллик ва ташаббус-

корлик талаб этиши таъкидланди. Сайловларнинг қонуний, демократик тамойиллар асосида ўтиши, электрот эътиборини қозониш, аъзолар сонини кўпайтириш кўп жиҳатдан фуқаролар фаолиятига боғлиқ. Аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксалишида эса уларга энг яқин ҳисобланган қуйи бўғинлар муҳим ўрин тутади. Партия фаолиятининг долзарб вазифалари ижросини таъминлаш, гоҳларини ҳаётга татбиқ этишда бошлангич партия ташкилотлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Афзал ХУДОЙБЕРГАНОВ, "Ермулкадастр" давлат корхонасининг Бўстонлик туман филиали қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси:

— Қуйи бўғинларнинг асосий вазифаси фақат бадал тўлаш ёки партия аъзолари сафини кенгайтиришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бугунги давр улардан аҳоли билан мунтазам алоқа ўрнатиш, партия ташкилотлари ва депутатлар билан биргаликда фаол иш олиб бориш, долзарб масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқиш учун тақлифлар бериш, жойларда учраётган муаммо ва камчиликларни чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Бироқ очик тан олишимиз керак, бу борадаги фаолиятимизни қониқарли, деб бўлмади. Семинарда фаолиятимизнинг ана шу жиҳатлари чуқур таҳлил қилинди, уни такомиллаштиришга доир тақлиф-тавсиялар берилди. Турли ташкилот ва корхоналардаги қуйи бўғинлар иши билан яқиндан танишув, илғор тажрибалардан баҳрамандлик келгуси фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

Қуйи бўғинларнинг маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар қошида ташкил этилиши, албатта, бежиз эмас. Чунки улар аҳолига яқин бўлиб, шу жойдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, электротратни ўйлантираётган масалалардан яхши ҳабардор бўлади.

ЎзМТДП Янгиерик туман кенгаши ташаббуси билан ташкил

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири, Алишер РАҲМОНОВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Китоб фестивали

МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИККА ЧОРЛОВЧИ НУР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖОЙЛАРДА КИТОБ САЙЛЛАРИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

Жамиятда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшларда гоёвий, мафкуравий хуружларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларнинг китоб ўқиш кўникмасини, мутлоаа маданиятини юксалтириш юрт тараққиётига хизмат қиладиган муҳим амиллардир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори юртимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасининг мустақкам ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида қатор қонуни ва қонунотни хужжати қабул қилинди.



Бу борадаги ислохотларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик махсулотларига қизиқишни кучайтириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустақкамлаш каби долзарб мақсадлар ўрин олган.

Китобхонлик тарғиботига бағишланди

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят бўлими, Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Тафаккур” ёшлар тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этган “Китоб — менинг ҳаётим” шиори остидаги китоб сайли ёшлар фаолигида ўтди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят ахборот-ресурс маркази, Навоий шаҳридаги китоб дўконлари ташкил этган китоб ва китоб махсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Партия фаоллари, Навоий шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қозим Тожиёв, партия Навоий вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси девони раҳбари Фахриддин Ражабов, Навоий шаҳар ҳокимлиги бошқарма бошлиғи Амриддин Мирзаев мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёш авлод ўртасида оммавий китобхонлик маданиятини ошириш, юксак маънавиятга, интеллектуал салоҳиятга, ватанпарвар, баркамол шахсни тарбиялаш йўлида самарали ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, маҳалла ёшлари орасида китоб ўқишни тарғиб этиш орқали уларда юксак маънавият, халқимизнинг тарихий анъаналари, маданий меросига чексиз ҳурмат, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини теран англаш туйғуларини шакллантириш, таниқли олимлар, профессор-ўқитувчилар, маданият ва санъат намояндалари, маънавиятчилар билан маҳаллалар, таълим ва меҳнат жамоаларида учрашувлар, маърузалар ва давра сўхбатлари ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, маҳалладаги ёшларнинг бўш вақтларини кутубхоналарда ўтказишни таъминлаш, маҳаллаларда замон талабларига жавоб берадиган китоб дўконларини барпо этиш ва уларда китобларнинг арзонлаштирилган сотувларини ташкил қилиш, олис ҳудудларда сайёр китоб ярмаркаларини ўтказиш масалаларини ҳал этишга эътибор қаратилди.

Ёшлар камалида китобнинг ўрни

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ва Сароисиё туман кенгашлари ҳам туманда “Китоб — маънавият чироғи” шиори остида китоб фестивали ташкил этди.

Тадбир доирасида шоир-ёзувчилар, ёш ижодкорлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув-мулоқотлар бўлиб ўтди. “Ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Китоб — беминнат устоз”, “Китоб ўқишда фарзандларингизга ўрнак бўлинг!”, “Энг китобхон мактаб”, “Энг фаол кутубхоначи”, “Энг яхши китоб ярмаркасини ташкил этган тадбиркор” каби мавзуларда интеллектуал викторина, танлов, “Мен севган китоблар” мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Сариосиё туманидаги 68-умумтаълим мактабида фестиваль доирасида китоблар кўргазмаси намойиш этилди. Унда тумандаги барча умумтаълим мактаби ўзининг кутубхона фонди билан қатнашди.

— Таълим ва тарбияни ўзида муҳассам этган китобхонлик инсонларнинг билимини юксалтиришга, маънавий камолотига хизмат қиладди, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси девони раҳбари Сайдулла Абдураимов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида бу борадаги вазият ҳам бутунлай ўзгарди. Шундай экан, китобхонлик ва мутлоаага қизиқиш ҳар кунги юмушимиз бўлиб қолмоғи лозим. Токи, ёш авлод бундан ибрат олсин, келажакни илм ва

— Мамлакатимизда маҳалла институтининг аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонликка бўлган қизиқишини ошириш, маънавий дунёқарашини кенгайтиришдаги ўрни низоҳатда катта, — дейди “Тафаккур” ёшлар тарғибот маркази раҳбари Жонибек Шухратов. — Бу борадаги тарғибот ишлари кўламини кенгайтириш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар режасини тузганмиз. Хусусан, китобхонлик тарғиботини кучайтириш мақсадида ҳар ойда таниқли ижодкорлар, адабиёт ихлосмандлари ва ёшлар иштирокида навоийхонлик кечалари, янги китоблар тақдимотини ўтказишдек яхши анъана мавжуд. Шунингдек, марказ ходимлари вилоят ташкилотлари ва маҳаллаларда кўчма кутубхоналар, “Ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Мен севган китоблар” каби мавзуларда интеллектуал викториналар, танловлар ташкил этишни режалаштирганмиз.

Китоб сайли доирасида она Ватан, китоб, тинчлик ва осойишталик мадҳ этилган шеърлар ўқилди, кўшиқлар ижро этилди. Ёшлар иштирокида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган викторина танлови ташкил этилди. “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 12 нафар кам таъминланган оила фарзандларига партия вилоят ташкилоти томонидан китоблар совға қилинди.

Шу кунги яна бир диққатга сазовор акция — асосий иштирокчилари ёшлар бўлган “Китоб тарғиботчилари” гуруҳидан иборат автобус ҳаракатлинишига старт берилди. Улар Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи, Навоий давлат кончилиқ институти хузуридаги академик лицей ва 19-умумтаълим мактабидан бўлди.

— Маънавий эҳтиёжни қондириш борасида китобнинг ўрни беқиёс, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Дилбар Орзиева. — У хоҳ дарслик, хоҳ бадиий асар, хоҳ лирик дoston кўринишида бўлсин, бизни илмга, ҳаётга, яхши инсон бўлишга ўргатади. Шу маънода бугунги тадбир ташкилотчиларининг Меҳрибонлик уйига бориши, тарбияланувчиларга китоблар совға қилингани ҳар томонлама ибратлидир.

Тадбирда китоб сайлидаги фаол иштироки учун бир қатор ташкилотларга ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг ташаккурнома ва фахрий ёрликлари топширилди.

Маржона НОДИРҚУЛОВА, ЎзМТДПнинг “Навоий ворислари” республика кўрик-танлови совриндори

— Халқимиз китобни азиздан қадрлаган, асраб-авайлаган. Амир Темури бобомиз “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму-донининг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”, деган бўлса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари “Китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи”, дея эътироф этган. Куръони Каримнинг илк нозил бўлган оятида “Ўқи” деб амр қилингани ҳам бежиз эмас. Ота-боболаримиз илм ўрганиш, китоб ёзиш ва ўқиш борасида барча даврда бошқаларга ўрнак бўлган. Ўша давр зиелиси учун Яссавий, Навоий, Фузулий, Бедел, Махтумқули, Машраб ғазалларини ёд билмаслик уят саналган. Хориждан келган олим ва савдогарлар юртимиздаги кутубхоналарни кўриб ҳайратланганлар.

ЎзМТДП ташкил этаётган бу каби китоб сайллари ёшларда аждоқларимиз меросини чуқур ўрганиш, келажак авлод тарбиясига мустақкам пойдевор вазифасини ўтовчи китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Абдували БҲРИЕВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

маърифатда, деб билсин. Фестиваль доирасида ташкил этилган семинарда мактаблар кутубхона фондлари таҳлил этилди, улар фаолиятини тубдан такомиллаштириш вазифаларини биргаликда кўриб чиқиш имконига эга бўлди. Ишонамизки, мазкур семинардан сўнг китоб фонди қониқарли бўлмаган мактаблар маъмурияти ўз иш фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, китобхонлар учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга ҳаракат қилади. Ушбу жараёнда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждоқлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган, маънавий тўқ маълумотлар билан қондириш, уларни онг ва тафаккурни тарбияловчи адабиётга ошно этиш долзарб аҳамиятга эга. Бундан кўзланган асосий

мақсад — ўғил-қизларнинг миллий адабиётимизга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш. “Китоб — маънавият чироғи” шиори остидаги китоб фестивали китобхонлар ўртасида ижодий танлов ва шеърхонлик кечаси билан яқунланди. Сароисиё туманидаги 68-умумтаълим мактабининг болалар ижодий жамоаси ижросидаги концерт дастури, тарихий асарлар асосида тайёрланган сахна кўринишлари тадбирга ўзгача завқ бағишлади.

Тадбир доирасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг фаол кутубхоначи”, “Энг яхши китоб ярмаркасини ташкил этган тадбиркор” каби номинациялар бўйича ғойиблар ЎзМТДП вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўқувчиларнинг китобга қизиқишини янада ошириш, уларда мутлоаа маданиятини юксалтириш керак. Фестиваль давомида ёшларда китобхонликка интилиш кучлигини кўрдик. Айниқса, уюшмаган ёшларнинг тадбирга жалб этилгани катта ютуғимиз бўлди.

Тадбир доирасида ўтказилган амалий семинарда китобхонлик масалалари, ахборот-ресурс марказлари фаолияти таҳлил этилди. Мактаб ўқувчиларининг кутубхоналарга ташрифи таҳлилга бағишланган тақдиротлари барчага манзур бўлди.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Сана

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши 1 июнь — Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб “Болаларга ғамхўрлик — оилавий анъана, маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи” мавзусида шу йилнинг 11-16 май кунлари Москвада Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида футбол бўйича ўтказилган I жаҳон чемпионатида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медалларни кўлга киритган ёшлар билан учрашув ташкил этди.

Тадбирда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов юртимизда навқирон авлодга қаратилаётган эътибор хусусида тўхталиб, ёш футболчиларни бу муҳим ғалаба билан қутлади.

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

— Мамлакатимизда эртаимиз эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — деди партия етакчиси. — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқро конвенцияси иштирокчиси сифатида унинг барча банди ва унда кўзда тутилган талабларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ёш спортчиларимиз кўлга киритинган ушбу ғалаба, энг аввало, юртимизда фарзандларимизга, қолаверса болалар спортига кўрсатилаётган эътибор самарасидир. Бу каби ютуқлар, албатта, бардавом бўлиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ҳар томонлама кўмак беришга тайёр. Зеро, партиямизнинг сайловолди Платформасида юртимизда жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол ав-

лодни камол топтириш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Маълумки, бу йил илк мартаба Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида жаҳон чемпионати ташкил этилди. Бунгача эса у ҳар йили халқро турнир мақомида ташкил этилар эди. Дастлабки жаҳон чемпиони шарафига Ўзбекистон вакиллари эришгани барчани хушнуд этди. Айнан мана шу чемпионатдан бошлаб мазкур турнир худди катта футболдаги каби ҳар 4 йилда бир мартаба, жаҳон чемпионати ўтказилаётган давлатда ва чемпионат олдидан ташкил этилишига келишилгани эътиборга молик. Бу ғалаба мамлакатимизда Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар тақдирига бефарқ қаралаётгани, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилаётганидан дарак беради.

— Жамоанинг асосини пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 23-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари ташкил этади, — дейди терма жамоа мураббийи Жамшид Асадов. — Турнир қутилмаган жиҳатлари билан ёдда қолди. Чемпионатда қатнашимиз атиги бир ой вақт қолгандагина аниқ бўлганда. Бундай қисқа вақтда жамоани ҳар тарафлама тайёрлаш осон кечмади. Бунинг устига, Москвага жўнаб кетишимиздан уч кун олдин жамоамизнинг асосий ўйинчиларидан

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамкорлигида Юнусобод тумани Бегубор маҳалласида Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланиб ўтказилган тадбир “Болалар — бахт чечаклари” деб номланди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман кенгаши ходимлари, депутатлар, ёзувчи ва шоирлар, маҳалла фаоллари ҳамда болалар иштирок этди.

Тадбир аввалида ёзувчи ва шоирлар мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор, болалар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда улар учун яратилаётган бадиий асарлар хусусида тўхталиб ўтилди. Байрамга келган болажонларга “Бир болага — бир китоб” акцияси доирасида китоблар улашилди.

— Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносибати билан Тошкент шаҳрининг барча туманида “Бир болага — бир китоб” акцияси ташкил этилди, — деди халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Улубек Мусоев. — Тумандаги Бегубор, Халқобод маҳаллалари ва Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар илмий-текшириш институти қошидаги бошланғич партия ташкилотларида болалар ва катталар учун кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Байрам доирасида ёш мусавирларнинг ижод намуналари намойиш қилинди. Расмларда келажакимиз эгаларининг бегубор нигоҳи, ўзига хос қарашлари акс этган. Бўлғуси моҳир чеварлар

Мавзу ва муҳокама

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида ёшларни миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан уларни муҳофаза қилиш, бу борада телевидение кўрсатув ва радиоэшиттиришлар уюштиришга кўмаклашишга қаратилган аниқ вазифалар белгиланган.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАРҒИБОТЧИСИ БЎЛИБ ҚОЛМАЙЛИК

Партиянинг ушбу дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят ва Қарши туман кенгашлари Қарши туман сервис ва тадбиркорлик коллежида “Ўқувчи-ёшлар маънавиятида бугунги намойиш этилаётган баъзи клип ва кинофильмлар, телесериалларнинг аҳамияти ёхуд “оммавий маданият” таъсиридан оғох бўлайлик” мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия фаоллари, устоз-мураббийлар, хотин-қизлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшлар қатнашди.

Тадбирда бугун фаолият олиб бораётган давлат ва нодавлат телеканаллар, улар орқали эфирга узатилаётган кўрсатув ва кинофильмлар, видеоклип ва телесериалларнинг томошабинлар, айниқса, ёшлар маънавиятига таъсири хусусида сўз борди. Қайд этилгандек, телеканаллар орқали намойиш этилаётган турли дастурларнинг мазмун-моҳияти, савияси, телетомошабинлар аудиториясига таъсири муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда аксарият ёшлар китобхонликка, маънавиятга чорловчи, тарбияга ундовчи кўрсатувларни эмас, балки хориж кинофильмлари, клип ва телесериалларни, ҳеч қандай маънавий озуқа бермайдиган, шунчаки, мазмунан саёз дастурларни томоша қилишаётир. Улар асосий вақтини ана шундай нарса-

бири Эдгар Шамшилов қутилмаган жароҳат олиб сафдан чиқди. Лекин болаларда ўзига бўлган ишончини уйғота олди. Шунинг учун жамоамизнинг аҳиллиги, ҳамма ўз вазифасини сидқидилдан бажаргани чемпионликнинг асосий омил бўлди, деб ўйлайман.

— Уч йилдан бери муассасамизда ташкил этилган футбол жамоасида шуғулланиб келаман, — деди жамоа сардори Эдгар Шамшилов. — Жаҳон чемпионати олдидан бир нечта мусобақа ва ўртоқлик ўйинларидан ўз кучимизни синадик. Кейин Россияда ташкил қилинган Меҳрибонлик уйлари

ўртасидаги жаҳон чемпионати тақдир олди. Аммо машғуллар давомида қутилмаган жароҳат олдим ва мусобақада қатнаша олмадим. Бошида бироз хафа бўлганим рост, кейин эса йигитларимизнинг ғалаба қозонганини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Турнир ташкилотчилари менга ҳам алоҳида олтин медал бериб юборишгани, айниқса, қутилмаган совға бўлди. Ғалабамиз — мамлакатимизда биз каби ёшларга берилаётган эътиборнинг натижаси. Келажакда юртимга содиқ фарзанд бўлиб, унинг ривожига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Йигилишда юртимизда болалар спортини ривожлантириш, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг руҳий-маънавий дунёсини бойитиш, ҳар томонлама баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга кўмаклашиб келаётгани қайд этилди.

Тадбир сўнггида Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносибати билан чемпион жамоа аъзоларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

тайёрлаган турли кашта, бисер, безак ва буюмлар йиғилганлар эътиборини қозонди. Болалар ўртасида “шахмат” ва “шашка” бўйича мусобақа ўтказилди. Жажжи болажонлар ушбу байрамнинг нафақат меҳмони, балки ўзларининг дилдорлар куй-қўшиқлари, дилрабо рақслари билан барчага қувонч улашди.

Тадбир якунида “Энг яхши оила суратини акс эттирган расмом”, “Энг яхши табиат суратини акс эттирган расмом” ва “Энг яхши эртак қаҳрамонини акс эттирган расмом” йўналишларида ғойиблар аниқланди. Шеърят йўналиши ҳамда шахмат ва шашка мусобақалари ғойиблари ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида маҳаллада истиқомат қилувчи 300 нафардан ортиқ болалар ота-оналари иштирокида бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Юнусобод туманидаги Бегубор, Халқобод маҳаллаларида уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тўғарақлар фаолияти билан танишилди.

Нурбек ЙҲЛДОШЕВ, “Milliy tiklanish” мухбири

ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига таъсири масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг Интернет тармоғидан фойдаланиш кўникмасини ошириш, уларда фойдала ахборотларни танлай олиш кўникмасини шакллантириш

борасида фикр-мулоҳаза ва тақдирлар ўртага ташланди.

— Бугун “оммавий маданият”нинг салбий таъсири барчамизни ташвишга солиб турган муаммолардан бири, — деди ЎзМТДП Қарши туман кенгаши раиси Дилрабо Камолова. — У турли кўриниш ва шаклда кириб келмоқда. Айтايлик, фильм, мусиқа, клип, сериал, реклама, ҳатто айрим озиқ-овқат махсулотларидаги ёрликлар ҳам унинг тарғибот манбаи бўлиши мумкин. Телевидение орқали берилаётган айрим кўрсатув, реклама ҳамда киноларда ҳам айнан “оммавий маданият” кўринишларини билиб-билмай тарғиб этиш ҳолатлари мавжуд. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, умуман, ёш авлодга соғлом дунёқараш ва эътиқодни шакллантириш, улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш лозим. Чунки кенг билим ва тафаккурли, ҳуқуқий маданияти юксак кишига ҳеч қандай таҳдид хавф сола олмайд.

Тадбир иштирокчилари мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу каби тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этишга келишиб олдилар.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

ЎЗИНИ БОЛАЛАР ҚАЛБИДАН ТОПГАН ИЖОДКОР

КАНДАЙ ҚИЛИБ ФЕЛЬЕТОНЧИЛИКДАН АДАБИЁТГА ҚАЙТГАНИ ҲАҚИДА



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

— Сиз билан ҳозир Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош офисига суҳбатлашиб турибмиз. Шундай бўлганда, дастлабки савол ўз-ўзидан партия фаолиятига бориб тақалиши табиий. Ижодкор-зиёли сифатида, айтинг-чи, партия ўз фаолиятида кўпроқ нималарга эътибор қаратиши зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Энг аввало, шуни айтмоқчиманки, мен «Миллий тикланиш» партияси учун бегона эмасман. Партия ташкил топган дастлабки даврда шу юртининг бир ижодкори, зиёлиси сифатида унга аъзо бўлганман, тadbирларида фаол иштирок этганман. Эсимда, ўша пайтда партиянинг алоҳида ўз биноси йўқ эди: дом кўчи юрарди. Эндилда анчайин кўркам, чиройли бинога эга бўлибсизлар, ҳавасим келди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Демократик партия ўз йўналишидан келиб чиқиб белгилаб олган, олдиға қўйган ҳаёлий мақсад-вазифалари бундан-да зиёда муносиб, дейишимизга асос бўлади.

— Нима сабабдан партия аъзолигидан чиққансиз?

— Бунинг икки сабаби бор. Аввало, очик айтиш керак, бир пайтлар маълум бир муддат партия ўз фаолиятини сусайтириб юборди. «Қарс икки кўлдан...» деганларидек, ўз навбатида, биз ҳам ундан узоқлашдик.

— Сизни партия аъзолигига қайта таклиф қилса... нима дердингиз?

— Бажонидил. Чунки мен қалбам ҳамиша шу партия билан бирганман. Гарчи тadbирларида бево-сита иштирок этолмаётган бўлсам-да, лекин ўзимни бир ижодкор, зиёли сифатида асарларим билан унинг мақсад-вазифалари ижросига бево-сита ҳисса қўшялман, деб ҳисоблайман. «Миллий тикланиш» партияси миллатнинг асл қадриятларини кўтариб чиқиши ва ҳимоя қилиши керак. «Ўзбекман» деган одам унга аъзо бўлишга ҳақли. Биз ҳаммамиз шу миллат фарзандимиз. Бизнинг миллий қадриятларимиз дунёга тараннум қилишга аргизулик. Эътибор беринг: саломлашиш, меҳмон кутиш, фарзанд тарбиялаш, ўзгаларни ҳурмат қилиш, ҳалол-поқ яшаш... санаб адоғига етиш қийин. Еки аҳамият берсангиз, дунёнинг кўплаб тилларида маънавият, муҳаббат, садоқат, вафо, ибод, ҳаёқ каби гўзал тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар мавжуд эмас. Демак, мавжуд қадриятларимиз билан биз бошқа халқларга ўрнатқилганидан даражадаки, айтиш мумкинки, биз бу билан бадавлатимиз, улугимиз. Ана шу қадриятларимиз — бойликларимиз тарғиботиға уруғ беришимиз, асраб-авайлашимиз керак. Албатта, фермер ҳам, тadbиркор ҳам керак. Уларнинг кўпайгани яхши. Улар кўпайса, халқ бой бўлади. Лекин ана шу фермер ёки тadbиркор гуллаб-яшнаши, халқини бой қилиши учун, энг аввало, унинг ўзи пок, ҳалол бўлиши, ўзганин ҳақидан кўрқиб, топганини ўзгалар билан баҳам кўра олиши керак. Бунинг учун миллий қадриятларимизни юксалтиришимиз талаб этилади. Бу ўзМТДПнинг бирламчи вазифасига айланиши, миллатимиз ва унинг қадриятлари буюклигини нафақат мамлакатимиз, балки бутун оламга ёйишимиз керак.

— Инсон ўзлигини англаши болаликдан бошланади. Бола тарбияси, айниқса, ўзликни англаш ва топилди, сизнингча, болалар адабиётининг ўрни қай даражада?

— Аввало, шуни айтиш жоиз, китоб инсон ақлини чархлайдиган, уни маънавий камолот сари етаклайдиган бебаҳо бую вოსитадир. Китоб ўқувчиға беқиёс маънавий завқ бериш билан бирга, унда ёзма нутқ кўникмасини шакллантиради. Инсоният-ни илм, садоқат, вафо, маърифатга ошно этадиган китоблар ўғил-қизларни одилона ва оқилона фикр юритишга ўргатади. Инсон китоб ўқиш, уни англаш, ҳис этиш орқали камол топди.

Шу маънода болалар адабиётини кони фойда, дейиш мумкин. Оддий қилиб айтсақ, китоб ўқиган болада сўз бойлиги ошади. Иккинчидан, бола аста-секин ўзини, ўзлигини англай бошлайди. Му-толаа давомида бола ўзини китобдаги яхши ёки ёмон қаҳрамон билан солиштиради, таққослайди. Учинчидан, бола хотираси мустаҳкамланади. Булар шахс ўзлигини англаш, миллат ўзлигини англашнинг илк босқичи, илдизидир. Илдиз қанча мустаҳкам бўлса, даракт ҳам шунча пойдор ва кўркам ўсади. Миллатнинг киефаси асосан икки ҳодисада кўри-нади: тилимиз ва урф-одатларимизда.

— Сиз ижодингизнинг дастлабки даврида ёзувчи эмас, журналист, аниқроғи, фельетончи сифатида танилгансиз. 15 йилга яқин «Тошкент ҳақикати», «Совет Ўзбекистони» газеталарида ишлагансиз. Худойберди Тўхтабоевнинг танқи-

дий назарига дуч келишдан казо-казолар ҳам чўчигани ҳақида эшитганмиз. Шундай машхур фельетончи қандай қилиб болалар ёзувчисига айланиб қолди?

— Журналистик, фельетончилик билан бирга гарчи мунтазам бўлмас-да ҳикоялар ҳам ёзиб юрганман. Бу орада иккита — 1962 йилда «Шошқалок», 1963 йилда «Сир очилди» ҳикоялар тўплами, 1964 йилда «Сир очилди», 1965 йилда «Сехрили қалпоқча» қиссаларим бирин-кетин нашр қилинди. Китобхон-лардан мактублар ола бошладим. Устозлар ўғити ва тавсиясига амал қилиб ўтган асрининг 70-йиллари бошида «энди ўзини буткул болалар адабиётига бағишламасам бўлмайди», деган хулосаға келган-ман. Қолаверса, табиятимда, феълимда Яратганнинг иродаси билан болалик шундайлиғига қилиб кет-ганиға амин бўлгандим...

— Бир суҳбатингизда «Беш болали йигитча» асарингизни болалик хотираларингиз асосида ёзганингизни айтгандингиз...

— Жуда тўғри гап. Агар малол келмас шу ҳақида батафсил тўхтайсак...

Отам боболаридан қолган катта бойлик туфайли «қулоқ» қилинган, у 21 ёш, онам энди 16 ёшға тўлган — турмуш қуришганиға ҳам кўп бўлганман пайтлар. Отам ёмон бир нарсани сезган шекилли, кечки пайт онамни уйғотиб, қутилмаганда «тез тайёрлан, кетамиз», дейди. (Янада тушунари бўлиши учун айтадиган бўлсам, отамнинг отасини «30 отли Насриддинбой» деб атаганди. Шунинг учун дадам от миничиға уста бўлган. Катта бобом Басенбой уллончи бўлган. Ўз замонада хонларнинг солиғини йиққан. Учта юртада — ҳозирги Ўзбекистон туманида икки дарвозали уйи, Қирғизистоннинг Боткентида, То-жикистоннинг Исфарасида ҳам мулки бўлган). Отам билан онам дастлаб Ўзбекистон туманидаги уйға боришади, лекин у ерда ҳам «қулоқ қилиш компа-ниясига» бошланган экан. Анорбой ака деган одам отамға: «Сен миниб келган от ҳеч нарсаға ярамайди, менинг катта отимни олгин, тайёрлаб қўйганман, хотининг ҳомилидор экан, эҳтиёт бўл, тез чоптирма, Ўзбекистон тумани орқали эмас, Қонибодомдан кетинглар, Бешариқда отангни танийдиганлар бор. Ўша ёққа кет», дебди. Хуллас, ота-онам Бешариқ-нинг Толқишолоғиға келади. Шу ердаги бойлардан таниши бўлган, лекин бу пайтда улар ҳам «қулоқ» қилиниб, бор мулкни топшириб ўтиришган экан. Шу кишлоқда турганида отамнинг Рафиқ деган ўртоғи югуриб келиб, «отингни тайёрла қочамиз, бу ерда ҳам текирув кетяпти, қизил шапкалилар келган», дебди. Қайси йўлдан кетиш кераклигини тушунтирибди. Отам онамни отға миндириб йўлга чиқади, бироқ уларнинг орқасидан «қизил шапка-лилар» кува бошлайди. Ўшандай бир пайтда онам «мени отдан туширинг, мазам бўлмаяпти», дейди. Отам ўзича чамалаб кўрса, бу ахволда Рақонға ҳам етиб бороволмайди. Шундан сўнг нисбатан яқин бўлган Қашқарқишлоққа — онамнинг онаси юртиға, Завроҳон холамнинг уйига бориб тушишган. Бехуш ҳолатда бўлган онам шу ерда қолган, отам эса қо-чишда давом этган. Онам бир ўзига келганида мен тутилганман-у, у яна ўзидан кетган ва уч кундан кейин ҳушиға келган...

Онам билан Жўра тоғамникида бир неча йил яшириниб юрганмиз. Бир кун болалар билан ўйнаб юрсам, кўчада тўполон бошланиб кетди, отлар гупуради. Қарасам, отамни тепиб, судраб ке-лишяпти. Отам остонаға етганида қон қусди. Ҳамма бирдан додлаб юборди, табиийки мен ҳам бақир-дим. От миниб келганлар дарров кетди, бир зумда ҳаммаёқ тинч бўлиб қолди. Афсуски, отам шу кун оламдан ўтди. Комсомоллар «қулоқ» бўлган одамни қабристонға қўймаймиз, дейишди. Шунинг учун отам қўшни кишлоқ қабристонига қўйилди. Онам мени етаклаб шу қабристонға кўп олиб борарди. Қулоқ қилинганлар рўйхатида онам ҳам бор экан. Қарангки, ўша пайтда комсомоллар «сен ҳам Укра-инаға кетсан», деб кўп зуғум қилган. Шунда бир чо-раси топилди. Абдуқодир деган олти фарзандли одамнинг хотини вафот этган бўлади. Қариндошлар ўзаро келишиб, онамни ўзидан 50 ёш катта одамға бир кечада ниқохлаб, ниқоҳ қозони ҳам ёздириб олишди. Келганларға шу қозони кўрсатиб, «бу Абдуқодирнинг хотини» дейишган экан...

Тақдир тақозоси билан болалар уйда яшаган-ман. Унисидан бунисига кўчиб, хуллас, учта болалар уйда бўлганман. Дастлаб Яйпанда, у ерда бола кўпайиб кетганидан кейин Қудаш деган жойдаги болалар уйига кўчирилдим. Ундан кейин Дегрезлик маҳалласидаги 2-болалар уйига бордик. Ўша пайт-лар 12-13 ёшда эдим. Оғир замоналар эмасми, у ерда ҳам болалар кўп. Тошкент шахрида фабрика учун кадрлар тайёрлайдиган мактаб бор экан. Шунга бола сўршаса, болалар уйдан 13 та болани ажрат-тиши — улар орасида мен ҳам борман. Султонали

деган ўртоғим ҳам мен билан тушди. У ўзи билан бирга учта укасини ҳам олиб юради: «Йўқ, агар кетсам, ўзим билан укаларимни ҳам олиб кетаман», дейди. Шундан кейин ҳаммамизни йиғиб, Тош-кентға, ўша пайтдаги Маориф вазирлигининг эски биносига олиб боришди. Олиб келган аёл — Мария Ивановна бизни ташлади-ю, кетди. Биз уни «Мария полвон» деб атардик. Болаларни учта Меҳрибонлик уйига тарқатиб юборишди. Биз — Султоналининг уч укаси, жами етти бола қолдик. Бир кун Султонали қочамиз, деди. Поезд станциясини кўриб, ўрганиб келибди. «Кўқонға, ўзимизнинг болалар уйимизға кетамиз», деди. Поезднинг бир-бириға қўшилган ериға чиқиб олиб кетдик. «Қовунчи» деган бекатда милиционерлар бизни ушлаб олиб, чойхонаға олиб борди. Ҳаммамизнинг бошимизда болалар уйининг шапкаси. «Қардан қочдиларинг», деб сўрашди. Султонали бизға нисбатан ақли эди. «Биз қочганимиз йўқ, мана шу ердаги бир боғбон бобо бизни боғиға меҳмонға айтган. Ўша бобоникиға кетяпмиз», деди. «Э, фалончиникиға кетяспизлар-ми, бир бекат олдин тушиб қолибсизлар, у сал нарироқда», дейишди. Шундан сўнг чойхоначиға, эрталаб фалончиникиға жўнатиб юборинг, деб тайинлашди. Ўша кун чойхонада тунадик. Ўшанда бир шолчани буқлаб-буқлаб, етти боланинг бошиға қўйиб беришгани эсимда қолган. Бу, мен одамлар-дан кўрган биринчи яхшилик эди. Кечаси Султонали ҳаммамизни уйғотди: «Эрталаб бизни яна болалар уйига олиб кетишади», деди. Ўша пайтда кўча гадоғи ва етим болалар билан тўла эди. Эрта саҳар, ҳали чойхоначи уйғонмасидан туриб, қочдик. Бир ке-ча-ю-кундуз то тинкамиз қуригунча юрдик. Поезд йўлиға ақин бир кишлоқда тўхтадик, нима қилишға ҳайронмиз — бошимиз қотган. Султонали укалари билан бирга тиланчиликни яхши ўзлаштирган экан. Йўл-йўлкай тиланчилик қилиб, икки-уч ой деганда Қўқонға кириб бордик. Йўлда Султоналининг Зу-лайҳо деган синглиси масжидда вафот этди. Уни шу ерлик одамлар кўмағида қўмдик. Кетаётганимизда одамлар «қолинлар, шу кишлоқда фалончининг молдини боқиб юрасизлар», дейишса-да унамадик. Дунёда яхши одамлар кўп экан. Бир станцияда нотаниш кел билан учрашиб қолдик. У қаерға кетаётганимизни сўради. Биз: «Қўқонға», дедик. «Юринглар меникида бир кун туринглар, ўзим олиб бориб қўйман», деди. Паст бўлиб чолиди — биз уни «Пакана бобо», дердик. Шу бобоникида икки-уч кун турдик: поясини ўрдик, уй ишларига қарашдик. Лекин хотини кетинглар деб, узоқ туршишимизға қўймади. Пакана бобо бизни анча йўлгача кузатиб қўйди. Бизға эшагини бериб, «уни миниб кетинглар, бу Оллоҳ назар қилган эшак, қўйналмай, етиб ола-сизлар», деди. Шундай қилиб, болалар уйига эшак миниб қўйиб борганимиз. Роса кулгу бўлган. Шундан кейин ҳаммамиз ҳар тарафға тарқаб кетдик. «Беш болали йигитча» асарим ана шу ҳаётий воқеалар асосида ёзилган. Китоб рус тилиға таржима бўлди — рус тилида жуда қиройли ном топди: «Свет в заброшенном доме» («Ташландик уйдаги нур»). Шу китобим, айниқса, Европада машхур бўлиб кетди. Ўнга ақин тилға таржима қилинди.

— Адабиётшунослар сизнинг асарларингизни замонавий адабиётимизда энг кўп тилға таржима қилинган ва энг кўп нусхада босилган, деб эътироф этган. Марказий Осиё миқёсида Чингиз Айтматовдан кейинги ўрингиз қўйилган. Шу ҳақида ўзингиздан эшитсак...

— Биринчи бўлиб «Сарик девни миниб» романим рус тилиға таржима қилинди. Кейинчалик иккинчи қисми ҳам таржима бўлди: асарларимнинг мух-лислари кўпайди. Дарров иккинчи китобимни ҳам сўрашди. Шунда «Беш болали йигитча» асарини бердим. Уни Альберт Лиханов таржима қилди. Ундан кейин «Қасоскорнинг олтин боши» романим таржима бўлди. Шу роман ҳақида «Известия» газе-тасида ҳам ёзилди. Асарларим рус тилидан италян тилиға таржима қилинган. Айримлари ҳақида таржима қилинган-нидан кейин билганман. 1974 йилда нашриётда ишлардим. Бир кун Эркин Воҳидов келиб қолди: «Худойберди ака, ўрингиздан туринг», деб мени бағриға босиб, торақиллади. Ўша йили Эркин Воҳи-дов «Фауст» асари таржимаси учун Берлинға таклиф қилинган эди. Берлинда бўлганида бир таржимон Эркин Воҳидовнинг олдиға келиб, «сизға Худойбер-ди Тўхтабоев асарининг таржимасини беришман, ўзига бериб қўйинг ва айтингки, унинг давомини ҳам бериб юборсин», дебди. Шундан сўнг мен асарларим таржималарини кузата бошладим. Сал ўтиб чех, француз, немис, испан тиллариға таржима қилинди. Мен гоҳ хабарини эшитиб қолардим, гоҳ сизнинг китобингиз фалон жойда таржима қилиниб, босилди, Москваға пул юборилган, ҳамон жойға келиб олиб кетинг, деган мазмундаги хатлар келар-ди. Шундай қилиб, асарларим икки-уч йил ичида 28 тилға таржима қилинди. Шулардан атиги 14-15 тасини олишға муяссар бўлганман. 80 йиллигим нишонланган кунларда адабиётшунослар жами бўлиб 81 та катта-кичик асарим чоп этилганини, шундан қарий 50 таси Ўзбекистонда, қолгани хорижда нашр этилганини айтди. «Сарик девни миниб» романи энг кўп нусхада чоп этилган, десам янглишмаган бўлман. Энди нашр қилинганда энг юзмишмаган кет-кет 10 мингдан 40 минг нусхада чоп этилганди. 1975 йилда асарларимнинг умумий адади 500 минг нусхаға етган. 1983 йилда ўша пайтдаги «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Ёшлар овози») газетаси «Миллионер ёзувчи» деган мақола чоп этганди. Унда асарларимнинг умумий нусхаси бир миллионни ташкил этиши ҳақида ёзилган эди. Мана, шунга ҳам 35 йил бўлибди. Ундан кейин янги асарлар ёздим ва улар ҳам бир неча тилға таржима бўлди. Очиги, аниқ сонини ўзим ҳам билмайман...

— Сиз болалар билан кўп учрашасиз, улар билан мулоқотда бўласиз. Айтингчи, бугунги болаларнинг сўз бойлигини кўнглингиз тўла-дими? Бугун бу борада ахвол қандай?

— Яқинда бир мақола ўқидим, муаллима ёзган экан. «Амир Темуру кўчаси бўйлаб кетар эканман, атрофдаги номларнинг 68 таси хориж тиллари-да ёзилганиға гувоҳ бўлдим. Бундай шароитда болалар тилин қаердан ўргансин. Болалар учун яхши китоб йўқ, улар ўртоқлари билан ўйнамайди, кўпроқ телефондаги ўйинға рўжу қўйган. Болалар тили қашшоқ бўлиб бормоқда», деган мазмунда. Буни яқинда ўқидим, лекин мен бу қарорға бундан тўрт йил аввал келиб бўлганман. Тан олиш керак, оилавий китобхонлик йўқ ҳисоби. Айтилик, ота тadbиркор (рахмат, фаолияти янада ривожлансин, топгани баракали бўлсин!), кечқурун уйға келади ва овқатланар-овқатланмас дарров телефонига ёпишади. Она фермер бўлиб кетган бўлиши мумкин (қандини урсин!), у ҳам ўз юмуши билан бўлиб хонасига кириб кетади, ё телевизор кўради. Ўз-ўзи-дан аёни, оилавий суҳбатлар деярли йўқ. Илгари бобо-бувилар бошчилигида қандай маърифий суҳбатлар бўларди...

Бундан тўрт йил бурун бир лойиҳани бошладик: у «Худойберди бобо меҳмонда», деб номланади. Асосан 2-5-синф болалари билан ишладик. Шу бо-лаларнинг сўз бойлигини ўргандим. Уларда ўртача 1100-1200 га яқин сўз бойлиги бор экан. Кунларнинг бирида ўзимча таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуровға мақтангим келди. Мен ҳам чакана иш қилмаялман, болалар сўз бойлигини ўргандим, қабилида. «Қанча экан», деб сўради. «1100 атрофида», дедим. У киши: «Худойберди ака, агар 700 тага етса, сизни чин дилдан табриқлаган бўлар эдим. Бола-ларда сўз бойлиги йўқ. Мактабни битиргунча 13 та дарслик ўқийди, улардан фақат аталар, нари борса сўзларни ўрганади. Бошқа ҳеч нарса йўқ», деди. У буну оғрик ва армон билан айтди. Кейинроқ у киши бу борада юз фоиз ҳақ эканиға амин бўлдим.

Бизнинг сўз бойлигимиз эртақ, ривоят ва мақол-ларда сақланмоқда. Биргина дўстликка бағишланган 400 та мақол бор экан. Болаларға тинмай китоб ўқинглар, дейман. Онда-сонда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуфнинг китобларини ўқиб қўйишди, холос. Айни шу маънода давлати-миз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 13 сентябрида қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори кўпчилиكنинг дилидаги қарор бўлди. Китоб ўқиган ёшларға пул муқофоти, ҳатто енгил автомобиль бериляпти. Бу, тез орада ўз натижасини беришиға ҳеч қандай шубҳа йўқ.

— Худойберди ака, сиз ўзбек болалар про-засини юксак даражада кўтарган адабисиз, уни жаҳон миқёсида олиб чиқдингиз. Болалар ада-биётини роман, қиссаларнинг пайдо бўлиши ҳам бевосита сизнинг номингиз билан боғлиқ. Лекин назаримда бугун болалар прозаси оқсаб қолаётгандек...

— Сизнинг бу фикрингизни тўғри қўллаб-қув-ватлайман. Мамлакатимизда бутун 118 та нашриёт бор экан. Уларнинг асл вазифаси — китоб чоп этиш. Лекин болалар учун китоб йўқ. Нашриётлар ёппасига чет эл эртақларини таржима қилиб босаяпти. Қайси дўконға кир-манг инглиз, француз, немис, ҳинд тиллари-дан таржима қилин-ган эртақларға дуч келасиз. Ҳозир пар-тиянинг бутун фаолияти таржима асарлардан иборат бўлиб қол-моқда. Ўзбек болалар ёзувчиларининг асар-лари онда-сонда босилапти. Шу ўринда бир гап: 2014 йилда Ёзувчилар уюшмасида болалар адабиёти бў-лимининг ҳисоботини тингладик. Шерият қисмида ахвол яхши. Лекин бир йил давомида фақат тўртта насрий асар босилди. Улар ҳам аслида олдинги йилларда нашр қилинган асарлар. Фоиизға чақил-ганида 98 фоизи шерият, 2 фоизи насрий асарлардан иборат экан. Кейинги йил ҳисоботида эса насрий асар сифатида учта китобни кўрсатишди. Уларни бир-бириға қўшсангиз қалинлиги бир сантиметрға бормайди. Буну ҳатто фоиизға ҳам қилиб бўлмайди. Бошқа китоб топилмади, деди ҳисобот берганлар. Таржима эртақлар бор, лекин ўзимизнинг ёзувчи-ларники йўқ. Қанчалик оғир бўлмасин, тан олишға мажбуримиз: ўзбек болалар адабиёти сўниб қолди.

2018 йил 5 апрелда Президентимизнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққанидан сўнг уюшмада катта йиғилиш бўлди. (Қарангки, уюшма ташкил этилганидан бери ўзининг биносига эга бўлмаган, ҳаммиша кимнингдир қанотида бўлган). Янги муҳташам бинони ҳавас билан томоша қилдик. Ингилшиза болалар ёзувчилари кўп келса керак десам, саноқли ижодкорни кўрдим. Ушбу фармонда мавжуд камчиликлар очик-ойдин айтилди. Биринчидан, болалар адабиётини эъти-бор қамайиб кетган. Иккинчидан, адабиёт билан шуғулланаётганларға меҳр-муҳаббат қамайган. Тўртинчидан, ижодкорларнинг асарияти уйсиз, жойсиз. Бешинчидан, ёзилган китобларни тарғиб қилиш ишлари сўт. Президент бу фармон билан бугунги адабиётимизға, жуамлдан болалар адаби-ётини адолатли баҳо берди.

Агар янги китоб кам ёзилаётган бўлса, унинг ўрниға ҳеч иккиланмай классик адабиётимизни — Зафар Диев, Қудуш Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Илос Муслим, Толиб Йўлдош асар-ларини чоп этиш керак. Нашриётларда ўтирганлар

эса асосан нарса алмашади: «Тулхан»никини мен босаялман, меникини сен босасан. Чунки маблаг кам, борини эса бегона қилгилари келмайди. Ўзлариникини алмашаверади, айлантраверади. Бугунги болалар адабиётининг оқсашини асосий сабаб ҳам шу: улар ўзларини «классик» санаб, мумтоз адабиётни тан олмайди. Улар билан бир кун ҳатто жанжаллашиб ҳам қолдим, икки-уч саҳи-фа қилиб Қудрат Ҳикматнинг ёзганларини боссанг бўларди-ку, дедим. Унақа шеърни ҳали ҳеч ким ёзгани йўқ. Еки Пўлат Мўмин асарларини чоп этиш мумкин-ку? Такрор бўлса-да, яна айтаман: бундай ҳолат болалар адабиётини сўндирди, холос. Бугунги Ёзувчилар уюшмасида болалар адабиёти бўйича вақил йўқ. Илгари алоҳида бўлим, алоҳида шу соҳанин вақиллари бор эди, ахир!

Шу ўринда, бир ривоят келтирмоқчиман. Бир киши жуда яхши боғбон, боғ яратган инсон экан. Уни боғидан олиб коччи қилиб тайинлашди. Касби дарахтлар тағига сув қўйиш эмасми, конга тинмай сув қўйиб уни сувға буткул тўлдириб қў-йибди. Бутун иш расво бўлибди. Бир коччи бор экан, уни боғбон қилишди. Унинг вазифаси қовлаш эмасми, дарахт тағини қовлайвериб, ҳаммасини қуритибди. Худди шунинг каби болалар адабиётини ҳам бегонани эмас, унинг устаси — вақилни масъул қилиб қўйиш керак. У фақат ҳисобот тайёрлаш учун ўтирмаслиги лозим.

— Асарларингиз асосида кино ҳам ишлан-ган. Шу борада муносабатингизни билмоқчи эдик, умуман, бундай киноасарлардан кўн-глингиз тўладими?

— Режиссёр «шу асарингизни кино қиламан», деб келганида сценарийсини кўриб бериш шарти билан рози бўлганман. Лекин мени фақат унинг премьераси куну қақришди. Уни кўрганми сари ўрниндан туриб кетялман: ич-ичида «бу менинг Ҳошимжоним эмас-ку, менинг Ҳошимжоним шўх-шаддоқ бўлиши билан бирга қалби яхшиликка, гўзалликка лиммо-лим бола эди. Менинг Ҳошимжо-ним қор ёққанча ялангоёқ юрадиган, қўйлағида 10 та ямоғи бор бола эди-ку», деб нисдо қиламан. Кинода эса... қўлиға фақат сўнгги нусхадиги теле-фон беришмабди, холос — уни замонавий болаға айлантириб қўйишди. Хуллас, унда ўзимнинг Ҳошимжонини кўрмадим. Киностудияда ўтирган директорлар, режиссёрлар менға: «Ҳамиша шун-дай бўлган, одатда ёзувчининг асаридан бир боб олинади, унга режиссёрнинг ҳам қарши қўйилади. Агар шундай қилинмаса асар кино бўлолмайди», дейишди. Бир неча мисоллар келтиришди. Улар 14 киши, мен бир ўзим — тортишдик. Эркин Аъзам ҳам уша ерда эди. У: «Худойберди ака, бизнинг фожи-амиз ҳам шунда, булар ҳаммаси тайёр бўлганидан кейин бизға айтишади, иш тайёр бўлиб қолган, бу гал рози бўлинг, кейингиларида бамаслаҳат ишлай-миз», деди. Хуллас, сиз эканларға чиқди: асарни ўқиганлар, ундан завқ олганлар уни кўриб, фарёд чеқди. Шундан сўнг «Ўзбекистон» телеканалда бир соат муҳокама қилинди. Китоб ўқиганлар бир томон, кино ишлаганлар бир томон. Катта баҳс-мунозара бўлди. Ҳатто кино ишлаганларнинг ўзларидан бири



Жанни Родаридек буюк ижодкор баҳо берган асар шошилиб, бузиб кино қилинганини тан олди. Ки-тобхонларнинг 90 фоизи кинодан норозимиз, бироз сабр қилиш керак эди, деган фикрни билдирди. Шунга қарамай фильм намойиш қилинмоқда. Мос-квадаги танловда муқофотланди, Латвияда соврин олди (улар китобни ўқимаган-да!), яқинда Хитойға юборишди.

— Бугун Президентимиз миллий матбуот ол-диға янги вазифа қўйяпти, оммавий ахборот вოსиталарини давр шиддатиға мос равишда фаолият олиб боришни талаб қияпти. Айни шу мақсадда яқинда Ўзбекистон Журналисти-ка ва оммавий коммуникация университети ташкил этилди. Юқорида ҳам айтиб ўтилди, 15 йил даврий нашрларда фаолият юритган, фельетонлари билан машхур бўлган ижод-кор сифатида, айтингчи, сизнингча, бугунги матбуот қандай бўлиши лозим?

— Бундан тўрт-беш йил аввал бир газетада танқи-дий мақола босилганидан унинг ёпилишиға бир баҳя қолганди... Холис ва ҳақиқий танқид ёзишға кенг йўл очиб бериш керак. Биз фельетон ёзганимизда, яшир-майман, республика раҳбари Шароф Рашидовнинг ҳимоясида эканимизни билардик. Ўша пайтда учта обком котиби журналистнинг фельетон натижасида ишдан олинган. Биз ҳақиқий маънодаги «тўртинчи ҳокимият» эдик. Кейинчалик шундай давр бўлдики, танқидий фикр айтгани кўрқиб қолдик. Матбуотда холос танқидий фикр буткул йўқолиб кетди. Мақтов, ёлгон, қаллоблик яшади, рост гапни айтмадики. Айт-ганлар эса чет элларға қочиб кетишға ёки қамалишға маҳкум эди. Энди давр ва шароит буткул ўзгарди. Бугунги давр матбуотдан дадиллиكنи, очкиллиكنи, рост гапни талаб қияпти. Миллат ва шахс ўзини англайдиган вақт келди...

«Milliy tiklanish» мухбири
Мухторбек АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди

Бугуннинг гапи

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА МУАММОЛАРИ

Хар қандай илгариланма ҳаракат (у революцион бўладики ёки эволюцион) тез-тез ортга боқиб, ўз-ўзини тафтиш қилиб туриши қонуний ҳолат. Бусиз ишчи тараққиёт таъминланмайди. Мамлакатимизда кечаётган жараёнларга шу нуқтаи назар билан қараганимизда жамиятда ижтимоий фикрни шакллантиришнинг асосий минбари бўлган матбуот ҳам ривожланиш босқичларида ўзини ўзи тафтиш қилиб боради.



билан давлат ўртасидаги кўприк эмас, балки жазо-ловчи куч, яна бир зўравон маҳкама тушунилади. Шу сабабли газеталарда "кузингизни очинг, сизга фелтончи кетди" тарзидаги шапқалар берилган. Шундай қилиб, матбуот кўрқув машинаси ҳам айланган эди. Дунё таърибаси эса бундай ҳолларни қоралар, бундай матбуотни тан олмасди.

Ҳозир дунё сиёсий иқлими тубдан ўзгарди, зўравонликни, куч ишлатишни тарғиб қилиш нуфузли қонунлар билан таъқиқланди. Хусусан, мустақил Ўзбекистон диёримиз энг эрқарвар, адолатпарвар сиёсат тарафдори. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янгиланиш сари олиб борилаётган сиёсатдан халқимиз рози, уллардан умиди катта. Шундай шароитда миллий матбуотимиз ҳам янгиланишлар илҳомчиси ва тарғиботчиси бўлиши айна давр талаби. Президентимизнинг 2018 йил 24 май кунги "Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этиши тўғрисида"ги қарори айна шу мақсадда, яъни жамиятимизда миллий журналистика мактабини шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий ишлар самарадорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шуни тан олиш лозимки, матбуот бизнинг миллий маданиятимизда нисбатан "ёш соҳа" ҳисобланади. Мабодо, ҳадисшунослик, геодезия ёки минералогия сингари фанларнинг асосига тамал тоши бизнинг туپроғимизда қўйилганини инобатга олсак, журналистиканинг (хусусан, газета, журналларнинг) пайдо бўлиши унчалик қадимий илдиларга эга эмаслиги аён бўлиб қолади. Бу ҳолнинг "ўзига хос ва мос" сабаблари борки, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Умуман, тан олиб айтадиган бўлсак, дастлабки тарқатма босма нашрлар пайдо бўлгандан бери бу маданият тури тугал шаклланишга улгурмай, турли сиёсий вазифаларни бажаришга гирифтор бўлди ва айтиш мумкинки, ҳали суяги қотиб улгурмаган вужуд турли ўзгаришларга дучор бўлиб, қоршиқ бир қиёфа касб этди. Шундай қилиб, ўзи ичдан пишиб етилган, ўзгармас тамойиллар ва олтин қондаларга эга бўлиши лозим бўлган соҳа тиминисиз янгиланишлар жараёнини бошдан кечириб келмоқда. Оқибатда, матбуот жамиятда ўз ўрнини тайин эта олмади. Мутараққий мамлакатлар таърибаси эса шуни кўрсатмоқдаки, борлиқни тафаккур бошқарётган дунёда қандай қилиб фикр минбарисиз, жамиятнинг лоқомоти бўлган ижтимоий фикр "фабрикаси" сиз кун кўриш мумкин? Барча хулосалар мамлакатга кучли, энг замонавий даражадаги матбуот кераклигини тасдиқлаб турибди.

Ана шу мулоҳазалар қўламини дабунгги миллий матбуотимизнинг аҳволи ва маъқени тасаввур қилиш имкони туғилади. Нега бундай ҳол рўй берди? Агар сабаблар ҳақида гапириладиган бўлса, бу ҳолни миллий матбуотимизнинг тарихи, касб ўтган йўли билан изоҳлаш лозим бўлади. Юқорида эслатилганидек, тиминисиз сиёсий ислохотларга гирифтор қилинган, бююртмалар исхончасидан чиқиб кета олмаган ўзбек матбуоти ҳали ҳам ўзини кашф этиш борасида изланапти. Кўз олдингизга келтиринг: дастлабки газета-журналлар пайдо бўлганда уллар кўпроқ маърифатни тарғиб қилди. Кейинчалик сиёсий ҳаётга аралашиб, одамларни ўз тарихини ўрганиш, кадр-қимматини англашга чақирди. Пироваврида ҳокимиятга интилишга ундади. Бирданга октябрь тўнтариши ва тоталитар мафкура ойболтадек ёриб кирди ва ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Миллий матбуот ўз қиёфасини топа олишга улгурмади. Бу ҳол мустақилликкача давом этди. Истиқлол йилларида эса, очиги, матбуотнинг ўз қиёфасини кашф этиш борасидаги сая-ҳаракатларда изчиллик бўлмади ва кўзга кўринарли натижага эришилмади. Ҳолбуки, у норасмий бўлса ҳам "тўртинчи ҳокимият" сифатида эътироф этилади.

Бу ҳолга тушишнинг бош сабабларидан бири, назаримизда, касбга садоқатнинг етишмагани, касбий тайёргарликнинг заифлиги билан белгиланади. Бу ҳол эса ходимлар тайёрлаш тизимининг миллий-тарихий заминдан узилиб қолгани, дунёқарашни сохта ақидалар руҳида шакллантирилгани билан изоҳланади. Шўро замонида журналиста комфирканнинг югурдаги, нари борса маддоҳи сифатида қараларди. Ана шундай сунъий андозалар асосида тайёрланган ходимлар амалий фаолиятга тайёр эмас эди. Журналистикада "Ҳамма нарса ҳақида ёзиш мумкин" деган касбий қоида амал қилади. Мабодо, қаламқаш ҳамманинг эътиборидаги воқеа ҳақида эплаб ёза олмас, унинг ёзганлари эътирозга сабаб бўлса, ҳатто иш судга бора, бунда кимни айблаш лозим? (Омади гап шуки, судлашиш журналистик фаолиятда оддий ҳол ҳисобланади, бироқ тарафқашлик туфайли пайдо бўлган гава туфайли судлашиш билан ҳақиқатни ҳимоя қилиб судлашиш ўртасида катта фарқ бор). Ёки ўртада собит туриши, фақат адолат тантанаси учун ишлаши лозим бўлган касб эгаси бююртма билан бир томоннинг манфаатини ҳимоя қилиб турса, касбнинг обрўйи қоладики? Бундай ҳолларнинг сабаблари кўп бўлиши мумкин, лекин асосий касбий эътиқоднинг сустиги эмасми? Демак, журналистнинг маслаги ҳам соҳанинг ривожига мўҳим ўрин тутар экан.

Сабаблардан яна бири эса шўро тузумининг қиёфаси эди. Хоҳлайсизми, йўқми, тоталитар мафкура тарафида туришинг лозим эди. Ўшанда "тўртинчи ҳокимият" дейилганда, халқ

спортга жуда катта эътибор берилаяпти. Ёшларимизнинг муваффақиятлари ҳақида ҳам маҳаллий матбуотда батафсил ҳикоя қилиш мумкин. Қолаверса, туман ва вилоят газеталари келажак учун шу жойларнинг чинакам солномасини битиб боради.

Туман ёки вилоят газетасида, умуман, матбуотда ишлашнинг ўз гаши, масъулияти бор. Бу соҳа одамнинг барча қобилиятини бир мақсадга сафарбар қилишни талаб қилади. Албатта, биринчи шарт — она тили имло қоидаларини пухта билиш, юқори даражадаги саводхонлик бўлган газетачилик фикрни раван, тушунарли ифодалашга ўргатади. Ёки оддий ҳолат — асл нусхани газета саҳифаси билан солиштириб ўқиш ҳам диққатни бир нуқтага жамлаш, бошқа нарсаларга чалғимаслик, ишда саришта бўлиш, умуман, юқори масъулиятни талаб қилади. Кимки шундай синовга бардош берса, ишлаб кета олади, бўлмаса, кўп ўтмай, бошқа соҳани танлайди. Характердаги бундай қатъийлик ҳар қандай соҳада асқотади. Шунинг учун тахририят мактабини ўтаган ходимлар бошқа ҳар қандай соҳада қийналмай ишлаб кетган, ҳатто бошқалардан кўра яхши ишлаган ҳам. Шу маънода тахририятларни малакали ходимлар тайёрлаш мактабига тенглаштирсак бўлади.

Газета-журналларда тафаккурнинг жами қирралари юзасидан баҳс юритилади. Ҳар кунги газета варақлаб ёки журнал саҳифаларини тахлаб юрган одамга унинг "чанги" ўз-ўзидан юқиб қолаверади. Шунинг учун тахририятларнинг тупроғини чангитиб юрганлар ҳам маданий савия жиҳатидан ўз тенгдошларидан юқориқоб бўлиши бор гап. Касблар орасида эса журналистга ҳар қандай соҳа одами билан тенг гаплаша оладиган, юқори маданиятли шахс сифатида қарашади. Бир давлат арбобининг (Наполеон) "Ҳар қандай журналист вазир бўлиши мумкин, бироқ ҳар қандай вазир журналист бўла олмайди" деган гапи бот-бот такрорланиб туриши ҳам беҳуда эмас. Бу мезонлар, аслида, журналистга қўйилган талаблардир. Ана шундай кадрларни мужассамлаштирган маънавий бойлик мустақиллик фояларидан тўйиниб, янги-ча кўрку камол касб этишга ҳақли. Негаки, кучли давлатни кучли мафкуравий куролсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хонадонларга газета-журналларнинг кириб бориши ўша манзилларга маърифатнинг, эътиқотнинг боришидир (албатта, бу мақсудлар нур олиб кирадиган даражада, нурли бўлиши лозим). Эрта тонгда биринчи машғулоти босма нашрларни варақлашдан бошлаган хонадон ахли дилига бир мунавварлик юққанга ўхшайди. (Иштироб билан қайд этиш жоизки, ҳозир нашрларда ёрқин руҳли мақолалар камайиб кетди; аксарият кўнгилочар олди-қолдилар. Ўзи, кўнгилочар воситалар бунча кўп: телеканаллар, радио тўлқинлари, газета-журнал саҳифалари... Халқимизнинг кўнгли қачон "ёпилиб" қолган ёки нима иш қилиб чарчаган?) Мутолаа билан бошланган кун бошқа хайрли амалларга йўл очади. Хусусан, оилада китобхонлик муҳити қарор топади. Газетада шалалоқдек қизиқарли нарсани мутолаа қилган уй бекасиде қалин китобни ҳам ўқиб чиқиш ҳафсаласи пайдо бўлади. Умуман, маънавият билан боғлиқ барча юмуш бир-бири ила ички мантқиқ орқали боғланган. Бир занжир заиф бўлса ёки узилиб кетса, илгариланма ҳаракат таъминланмайди. Маҳаллий ҳаётни ишончи ва теран ёритадиган газета-журналлар эса бардавомлик ва узвийликни таъминлайдиган восита. Умуман, туман ва вилоят газеталарининг ижтимоий ҳаётни тараққий эттиришидаги ўрни беқиеъ.

Халқда "Бўзчи белбоққа ёлчимаиди" деган гап юради. Кўпларнинг муаммосини ечишга сафарбар қилинган матбуотнинг ўзи ҳам муаммолар гирдобиде қолиб кетган. Оддий масала — ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни олиб кўрайлик. Кеча иш бошлаган ҳам, дейлик, 20 йил ишлаб кўйган ходим ҳам бир хил маош олаверади. Бу борада меҳнат стажи, малака сингари омилларга эътибор берилмаган. Бу хусусий масала. Умумий тарзда эса матбуот, умуман, журналистиканинг умминсоният мезонлари даражасида эътироф этилган тамойиллари бор. "Матбуот ўзи мансуб бўлган жамиятнинг маҳсулидир" сингари ақидаларга қўшилиб бўлмайди. Ахир Бразилия ёки Индонезиянинг ўзига хос медицинаси бўлмайди-ку?! Гарчи тиббиёт ва журналистика бошқа-бошқа соҳа бўлса-да, улларнинг замирида инсонга хизмат қилиш тамойили мужассам. Қолаверса, жамият учун тиббиётнинг ўрни қанчалик мўҳим бўлса, журналистиканинг зарурати ҳам ундан кам эмас. Илғор мамлакатлар таърибаси бу нисбатни юз йиллар олдин тасдиқлаган. Мабодо, умуман олганда, қайси давлатда бўлса-да, матбуот умминсоний мезонлардан чекинмай, ўз қобилиятига ўрналашиб қолган экан, бунга соҳани эмас, ўша соҳа одамларини айблаш лозим бўлади. Бизда тарихий таъриблар асосида ривожланаётган, қонуний асослари мустаҳкам миллий матбуот мавжуд. Давр талаблари эса энди эски қолиплар доирасида ишлаб бўлмаслигини кўрсатаяпти. Хайрли ишларга камарбаста бўлиб турган вақтли матбуотимиз муаммоларини бартараф этиб, замон билан бақамти ривожланишга куч топа олади, албатта.

Ҳажим САТТОРИЙ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги

Чинакам адабиёт миллат ва сарҳад танламайди, бинобарин, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини кўзга кўринмаган ҳолда мустаҳкамлаб бораверади. Улуғ адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланаётган шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театрида Заҳрирдин Мухаммад Бобур номидagi Ўш давлат ўзбек музыкали драма театри жамоаси меҳмон бўлди. Унда театр ижодий жамоаси ёзувчининг "Соҳил ёқалаб чопайтган олапар" қиссаси асосида саҳналаштирилган спектаклни намойиш этди.

"СОҲИЛ ЁҚАЛАБ ЧОПАЙТГАН ОЛАПАР" — САҲНАДА

...Мовий кўк янглиғ бепоён денгиз — пўртаналар, мавжлар, туман. Ва ногоҳ ўзингизни тубсиз уммон бўйида ўтиргандек ҳис қиласиз. Хира денгиз узра бир кема чайқалиб-чайқалиб суза бошлайди. Кемада тўрт жон тек қотган. Ўрхон бобо, Милхун, Эмрайн ва мурғак Кириск. Улар шу лаҳзада ҳаёт ва ҳалокат орасида муваққат қолган. Замин мувозанатида дарз кетган...



— Асарда янги авлод келажиги учун ўзини қурбон қилишдек мардонаворлик фазилати улуғланади, — дейди саҳналаштирувчи режиссёр, "Дўстлик" ордени соҳиби Тожимухаммад Исроилов. — Асарни саҳнага олиб чиқиш, ички ва ташқи ҳаракатни таъминлашда, унда илгари сурилган асосий гоёни сақлаб қолишга интидик. Жамоа ушбу мақсад йўлида яқдил ишлади. Албатта, ишимизга баҳони томошабин беради.

Чингиз Айтматовнинг "Соҳил ёқалаб чопайтган олапар" қиссасини Эрнест Хемменгуейнинг "Чол ва денгиз" асарига менгзаш мумкин. Бу асарларнинг бир-биридан фарқи шундаки, "Чол ва денгиз"да мағрибга хос инсон индивидаи улуғланади, "Соҳил ёқалаб чопайтган олапар"да шарқона жамоавийлик тушунчаси теран мазмун касб этган.

Маълумки, Шарқда қадимдан жамоавийлик устувор бўлган. Бу ерларда одамлар ҳеч қачон якка яшамаган. Оғир табиий шароит, турли хил мушкулликлар Шарқ кишиларини аксинча бирлаштирган, бирдамликка чорлаган. Шу боис, Шарқ халқлари табиатида ўзаро хурмат, меҳр, инсонийлик, яхши-ёмон кунларда бирга бўлиш, тўй-маросимларни жамоа бўлиб ўтказиш урф-одатга айланган. "Соҳил ёқалаб чопайтган олапар" қиссасида ана шундай инсоний фазилатлар сингдирилган.

Асар бир қарашда саҳнага мос эмасдек. Лекин компютер технологияларидан оқилона фойдаланилгани, масофавий нури тасвир узатувчи қурилмалар воситасида саҳнага денгиз руҳи олиб кирилди. Содада декорация билан тикланган саҳна юзасида мовий денгиз намоеён бўлади. Бундай технофаол усуллардан фойдаланиш орқали театр саҳнасининг янги имкониятлари очилган.

Донишманд адибнинг навбатдаги асари шу тариқа театр саҳнасида қайта жонланди. Саҳна асари ҳар бир томошабинни чўқур ўйга толдириши, арзимас қийинчиликка дуч келиб, тушунлиққа тушиб қоладиган оқиди-шиларга чинакам ўрнак бўлиши, бугунги тинч ва кунларимизда шўқрона келтиришга ундаши шўбҳасиз.

Ислом ИБОДУЛЛАЕВ,
журналист

Боланинг бегонаси бўлмайди...

ЯНГИ БИНО ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ)нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ақлий ва жисмоний нуқсонли бўлган, сурункали хасталиклар билан оғирган, ота-она қарамоғисиз қолган, нотинч ва кам таъминланган оилалар, шунингдек, ихтисослаштирилган мактаб-интернат болаларининг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун олиб бораётган қатор амалий ишлари, сая-ҳаракатлари таҳсинга сазовдор. Тизимда олиб борилаётган лойиҳалар болаларни ижтимоий ҳимоялашнинг инновацион усулларини қўллаш, улларнинг жамиятга муваффақиятли интеграциясини амалга ошириш имконини беради.

Марказ ҳузурида 2007 йилда ташкил этилган ахборот-консалтинг хизмати жисмоний ва руҳий ривожланишида турли оғишлар билан мурожаат қилган болаларга коррекцион ёрдам кўрсатиш, улларни таълим муассасаларига йўналтиришда мўҳим аҳамият касб этаётир. Бу ерда болаларнинг муайян жисмоний ва интеллектуал қобилиятини ривожлантирувчи, улларнинг ҳолатида ижобий ўзгаришларни шакллантирувчи реабилитацион муолажалар самарали олиб боришмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан марказда ўтказилган тадбирда шулар ҳақида гап борди. Тадбирда марказга қатнаётган Сарвино Раҳимова. — Бугунги кунда марказимизда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар асосида жиҳозланган хоналарда болаларнинг

иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди. Мусобақа ва кўнгило-чар ўйинлар болаларга бир олам қувонч бағишлади.

Бу йилги байрам марказ учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки капитал таъмирланиб, дунё стандартлари асосида жиҳозланган ахборот-консалтинг хизмати биноси фойдаланиш учун топширилди. Бинонинг қисқа муддат ичиде буткул янги қиёфа касб этган хона ва заллари нафақат имконияти чекланган болаларга, балки улларнинг ота-оналарига ҳам қўри қолайликлар тақдим этади. Энди арт-терапия, кум, эртак, хонсига терапия хоналари, сенсор муносиқа қўшимча равишда янги — Монтессори, табиат билан ҳамнафасликни тарғиб қилиш хоналари ишга туширилади.

Нигора НИШОНБЕКОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Эълон!

"SIRDARYO UNIVERSAL KIMOSHDAVDOSERVIS" МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

АТБ Халқ банки Сирдарё вилоят филиалининг 2018 йил 31 май кунидеги 09/322-сонли хатига асосан филиал ҳовлисиде сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли, 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига асосан, қуйидаги автомобилотранспорт воситаси аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. ГБА "ДАМАС" СПГ, давлат белгиси 20 166 BAA, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда, бошланғич баҳоси — 10 215 994 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 20 июнь кунини соат 11:00 да ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2018 йилнинг 25 июнь ва 2 июль кунларини соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу автомобилотранспорт воситаси билан АТБ Халқ банки Сирдарё вилоят филиалининг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириги мuddати: бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган гаров келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини автомобилотранспорт воситасининг номи, давлат белгиларини кўрсатган ҳолда "SIRDARYO UNIVERSAL KIMOSHDAVDOSERVIS" МЧЖнинг, АТ "Ўзсаноатқурилиш" банк Сирдарё вилоят филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: **х/р: 2020 8000 9004 0989 4001, М/Ф: 00 855, ИНН: 303 121 227.** Савдо ёлибига 10 банк иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 46-уй, 310-хона, телефон: (0-367) 235-03-57. Хизматлар лицензияланган; реестр тартиб рақами № 224, Гувоҳнома № 0224, 2014 йил 17 декабрь кунини берилган.



Бизнинг шарҳ

ҲОЗИРЖАВОБ GOOGLE

ФАОЛИЯТИ ВА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

“Ҳамма муваффақият қозонишни истайди. Мен эса одамлар каминани йирик кашфиётчи, хушхулк, омма ишончини қозонган, бир сўз билан айтганда, дунёни ўзгартира олган инсон сифатида эслашларини хоҳлайман”, деган эди Google компанияси асосчиси Ларри Брин.

Дарҳақиқат, Сергей Брин ўзи хоҳлаганидек, дўсти ва ҳамкори Ларри Пейж билан бирга компьютер технологиялари соҳасида туб бурилиш ясай олган инсонлардан. Улар асос солган компания — Google Интернет қидирув тизими тарихида чинакам инқилоб қила олди. Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, www.google.com Интернетда энг кўп мурожаат қилинадиган сайтга айланган.

Илк қадам. Ишонч — муваффақият калити

Сергей Михайлович Брин 1973 йилда Москва шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Михаил Израилевич Брин математика фани бўйича профессор, Америка Қўшма Штатларидаги Мэриленд университетидеги талабаларга дарс берган. Онани Евгения Валентиновна Брин ҳам маълумоти бўйича математик, АҚШ аэрокосмик агентлиги (НАСА)нинг фазовий учуш марказида мутахассис сифатида фаолият кўрсатган. Сергей олти ёшга тўлганида ота-онани билан океанга туриш мақсадига қўчиб ўтади. Ота-онани АҚШнинг Мэриленд штатида ўз мутахассислари бўйича тезда иш топиб фаолият бошлашади. Сергей эса Адельфидидаги “Paint Branch Montessori” мактабига қатнаш бошлайди. Бу пайтда болакай инглиз тилида у қадар раван гапиролмас эди. Унинг мактабдаги ўқитувчиси Патти Баршей ўқувчиси ҳақида шундай дейди: “Сергей қирқинчи бўлмаганда, бироқ ўзига ишонч истаган нарсасига эриша оладиган даражада баланд эди”.

Сергей тўққиз ёшга тўлганида отаси унга Comptodoge 64 компьютерини совға қилади. Ўрта синфларда унда математика ва информатикага бўлган қобилияти юзага чиқа бошлайди. Кейинчалик Гринбейк шаҳридаги “Eleanor Roosevelt” ўрта мактабда тахсилни давом эттиради. Отасининг айтишича, у фарзандининг ўқиши билан тизимли равишда шуғулланмаган: “Одатда, унинг ўзи менга қизқирган совоқлар билан мурожаат қилаверарди”.

Брин мактабни битиргач, Мэриленд университетидеги тахсил олиб, математика ҳамда ҳисоблаш тизимлари йўналиши бўйича бакалавр даражасини олди. 1993 йилда Калифорниядаги Стэнфорд университетига ўқишга кириб, магистратура босқичини ҳам муваффақиятли тамомлади.

Сергей Бриннинг онаси бугун фарзанди эришган муваффақиятлардан ҳайратланиб шундай дейди: “Бу ақлбобар қилмас муваффақият. Унинг математика ва компьютерга бўлган қобилияти ҳар дам юқори бўлган, бироқ унинг бундай даражага етишишини тасаввур қилмагандик”.

Инсон тўсатдан бойиб кетса, ўзини қандай ҳис этади, деган саволга Брин камтарлик билан шундай жавоб берган: “Бунга тезда қўнчиб кетиш осон эди. Кўпчилик таъкидлаганидек, бахтни пулга сотиб олиб бўлмайди. Бироқ катта микдордаги пул бахтнинг бир бўлагини ҳада эта олади, деган фикр қалбимнинг туб-тубида яшириқиб ётарди. Аслида ундай эмас экан. Мен эски машинанинг ижара мuddати тугагани учун янгисини сотиб олдим. Бунинг қандай ҳайратназарли жиҳати бор? Мен бундай муваффақият билан эски машинада юриш ҳам мумкин эди”.

Мушиқдан илҳомланган дастурчи

Ларри Пейж 1973 йилнинг 26 март куни АҚШнинг Лансинг шаҳри (Мичиган штати)да зиёли оилада дунёга келди. Унинг отаси Карл Пейж Мичиган университетининг профессори бўлган, онаси Глория Пейж эса шу университетда информатика фанидан талабаларга сабоқ берган.

Ларри саккиз ёшга тўлганида, унинг ота-онани ажрашади. Шундай бўлса-да, улар фарзандлари тарбиясига бирдай эътибор қаратади — Ларри ҳам отаси, ҳам онасининг ғамхўрлигидан баҳра олиб ўсади. Қолаверса, ота рок мусиқа иштибози бўлгани бос ўғли билан концертга тушишни хуш кўради.

Пейж болаликдан мусиқага қизиқиб, саксофон чалишни ўрганади. Мусиқий саводхонлик ҳисоб-китоб ҳамда информатика соҳасида уни анчайин сабрий ва мулоҳазали бўлишига туртки бергани рост гап. Пейж суҳбатлардан бирида шундай деган эди: “... мусиқада сиз вақтинча ўтаётганини ҳис этасиз. Вақт гўё олий ҳакамдек... Агар сиз бунга мусиқа нуқтаи назардан ёндашсангиз, барабанчи бўлсангиз, чолу асосбини қандайдир сониялар ичида чертасиз...”.

Пейжнинг хонаси болалигида жуда бетартиб бўлган: ҳамма ёқда компьютерлар, илмий ва техникага доир журналлар қалашиб ётган. “Болалигимда кўп вақтинчи китоб ҳамда журналлар муталаа қилишга сарфлаганман”, дейди Пейж болалик хотирала-

Мозий ва келажак

Ватанимиз қадим-қадимдан улуг алломаларга бешик бўлган. Ушбу заминда етишиб чиққан буюк олим, шоир ва мутафаккирлар илм-фаннинг барча соҳаларига оид бой илмий-адабий мероси билан ўчмас из қолдирган. Жумладан, туризм тарихини ўрганишда унинг ривож учун қўйган ҳиссаси бугун издошлари томонидан ўрганилиб, кенг тарғиб қилинаётган булар шахслар ҳам борки, улар фаолияти соҳа учун муҳим илмий асос бўлаётми. Шулардан бири юртдошимиз, Америка тиббиёт коллежининг битирувчиси, Марказий Осиёлик буюк сайёҳ Мирзо Сирож Ҳаким (1877-1914)нинг ҳаёти ва асарларидир. Унинг асл исми Сирожиддин, фамилияси Мирзохурдов (катта савдогарлар сулоласига тегишли) бўлиб, Мирзо — ёшиқдаги тахаллуси, Ҳаким эса коллежда эгаллаган малакали тиббиёт ходими касбини эслатади.

Сайёҳ Мирзо Сирож болалигини шундай хотирлайди: “Отам мени беш ёшлигимдаёқ билан бериш савияси билан шаҳарда ном қозонган мактабга беради. Ўша вақтда илм олишга бўлган кучли иштиёқ, вужудимдаги қизиқувчанлик туфайли мен чет тилларини ўрганишга қизиқшим ва озгина бўлса-да, рус ва француз тилларини ўргандим”.

Ёшлигидан хорижий тилларни ўзлаштирган Мирзо Сирож 1902 йилда София, Белград, Будапешт, Вена, Берлин, Варшава бўлади, Фарбий ва Шарқий Европанинг бошқа шаҳарларига саёҳат қилади. Энг узоқ давом этган бу сафаридан кейин Москва орқали ўзининг она шаҳри — Бухорога қайтади.

У Париж ва Лондонга сафари чоғида бу ердаги тиббиёт муассасаларида ҳам бўлиб, машҳур француз ва инглиз шифокорларининг фаолияти билан яқиндан танишади, улардан тиббиёт сабоқларини олади.

Кейинчалик ўрганган билим ва тажрибасига таяниб она шаҳрида замонавий шифохона ва дорихона очади, фаол тиббий амалиёт, ҳомийлик фаолияти билан шуғулланади, маҳаллий ва хорижий газеталарга илмий мақолалар ёзади.

Мирзо Сирож хорижий юртларда бўлганида, у ердаги мавжуд шароит ва амалиётни ўз юртида ҳам жорий этиш, ватанининг ҳар томонлама тараққий қилишига ҳисса қўйишни ўйлайди. Масалан, Берлинда эркаклар ва қизлар мактабларини қўздан кечирар экан, у ўз ватандошларини немис педагогик методикасини ўрганишга ҳамда амалиётга кенг татбиқ этишга чорлайди: “Мен ўзимизнинг мактабларни эсладим, уларнинг шароитларини, ўқитувчиларимиз саводхонлигини таққосладим, ўқувчиларга бўлган муносабатни ўргандим. Маорифимиз ва фанимиз жуда ачинарли ҳолда эканлигини ҳисобга олиб, энг аввало, ушбу соҳани ислоҳ қилишга даъват этишни



рени ёдга олиб. Таниқли ёзувчи Николас Карлсоннинг айтишича, Пейжнинг уйидаги маънавий муҳит ҳамда ота-она тарбияси унда ижодий ва кашфиётчилик қобилиятини юзага чиқишига туртки бергани, шубҳасиз.

“Отам информатика фани бўйича профессор бўлгани учун биз бошқаларга нисбатан анча эрта компьютерли бўламиз. Ўйимизга илк компьютер 1978 йилда ўрнатилган (Ларри ўшанда ҳали беш ёшда эди). Бу Exidy Sorcerer компьютери бўлиб, Европада анча оммалашган, бироқ Қўшма Штатларда ҳали кенг тарқалмаган. Унинг хотираси 32 килобайт эди. Унга операция тизими акамнинг ўзи ўрнатган”, дейди у.

Ларри уни икки ёшида машҳур кашфиётчи-олим Никола Тесланинг ҳаёт ва фаолияти ҳақидаги мақолани ўқиб қолади ҳамда ўзидан сўнг ана шу физик олим сингари ўчмас ном, оламшумул кашфиёт қолдириши ҳақида ўйлай бошлайди.

Ларри Ист-Лансингдаги ўрта мактабни томонлагач, Мичиган университетидега ўқиди. Ушбу олий ўқув юртида ҳисоблаш машиналарини лойиҳалаштириш йўналиши бўйича бакалавр даражасини олди. Бу катта йўл бошидаги илк қадам эди.

Ҳамкорлик меваси

Ларри билан Сергей Стэнфорд университетидега — докторантурадаги тахсил пайтида танишишади. Гарчи Ларри билан Сергейнинг феъл-атвори бир-бирига тескари бўлса-да, уларнинг тил топишиши осон кечеди. Янада аниқроқ айтганда, Ларри самий, дангал, Сергей эса аксинча камгап бўлса-да, бу уларнинг дўстлашувига ҳеч қандай малол келтирмайди. Бироқ уларнинг ўхшаш жиҳатлари ҳам йўқ эмасди. Гарчи Ларри бироз гавдалироқ бўлса-да, улар ташқи томондан бир-бирига ўхшаб ҳам кетишади. Қолаверса, уларнинг ҳар иккаласининг ҳам отаси университет профессори бўлишган.

Ларри Стэнфорд университетидеги тахсил пайтида гуруҳ раҳбари билан маслаҳатлашиб, “BackRub” деб номланган лойиҳа устида ишлайди. Бу Интернетда қидирув тизими билан боғлиқ лойиҳа эди. Ларри “Мазкур лойиҳа амалиётга кенг татбиқ этилса, кейинчалик унга докторлик диссертациясини ҳимоя қилишда асқотади, деб ўйлайди. Тез орада у Сергей билан мазкур лойиҳа устида ҳамкорликда иш олиб боради. Бунинг учун улар информация технологиялар бўйича тахсил олаётган талабаларга ажратилган университетнинг янги биносидеги (бино бил Гейтс маблағлари ҳисобига қурилган) учун унинг номи билан юритилади) 360 сонли аудиторияни банд қилади.

Ларри билан Сергей 1995 йилдан 1998 йилгача Интернетда зарурий саҳифаларни оча оладиган энг мақбул қидирув тизимини яратиш устида иш олиб борди. Googleнинг илк версияси 1996 йилда Стэнфорд университетининг веб-сервисидега ўрнатилди. Университетнинг талаба ва ўқитувчилари www.google.stanford.edu электрон манзили орқали ушбу қидирув тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. 1997 йилнинг 15 сентябрида www.google.com домени рўйхатдан ўтказилди. 1996-1998 йилларда Стэнфорд университети талаба-ўқитувчилари олий ўқув юртидаги компьютерлардан ушбу қидирув тизимидан фойдаланди.

Интернетдаги маълумотлар қидирув тизимини ҳаётга муваффақиятли татбиқ эта олган Сергей ҳамда Ларри мустақил бизнесларини ташкил этишга қарор қилади. Улар Стэнфорд университети билан алоқани узмаслик учун аввалига академик таътил олишга қарор қилишади. Лекин бу вақтинчалик қарор экани кейинчалик маълум бўлиб қолади. Зеро, янги компанияга асос солиш, уни оёққа қўйиш анча меҳнат ва вақтни талаб қилар эди. Ўқиш билан бизнесни бирга олиб боришни илоҳий йўқлиги ойдинлашгач, улар ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган университетни бутунлай тарк этишга қарор қилишади. Бу ҳақда уларнинг ўқитувчиси,

университет профессори Терри Виноград шундай дейди: “Ларри билан Сергейнинг университетдан ўзларига тегишли бўлган буюмларни кутиларга жойлаб, Стэнфорд дарвозасидан олиб чиқиб кетаётган пайтдаги қайғули нигоҳи ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди...”

Стэнфорд университетининг профессори Ражив Мотвани эса бу воқеани шундай эслайди: “Сергей Брин ҳамда Ларри Пейж бир кун менинг олдимга келиб ўз компанияларини тузмокчи эканликларини маълум қилди. Ўшанда бу хабарни эшитганлар: “Ақлдан оздларингми? Ахир Интернетда 37 та қидирув тизими мавжуд бўлган шароитда яна биттасига не ҳожат? Қизиқ, буни қандай удралайсизлар? Маблағни қаердан оласизлар ва компанияни ниманинг ҳисобидан ташкил қиласизлар?” дегувчилар ҳам бўлди. Улар эса бу гапларга парво қилмай: “Мана кўрасизлар, биз удралаймиз” дейишди. Улар меҳнат қилишиб, бунинг удрасидан чиқшди”.

Бироқ мазкур лойиҳани такомиллаштириш ва уни кенг оммалаштириш учун сармоядорларнинг молиявий кўмаги зарур эди. Шу бос улар ўзлари ихтиро қилган қидирув тизимини Kleiner Perkins Caufield & Byers компаниясига 1 миллион долларга сотмокчи бўлади. Бироқ компания бу таклифни рад этади. Googleнинг келажакдаги имкониятларига тўғри баҳо бера олмай, уни харид қилишдан бош тортганлар сафида AltaVista, Excite Infoseek сингари машҳур компаниялар ҳам бор эди. Кейинчалик — Googleнинг ишлари юришиб кетгач, улар буни олдиндан кўра билмаганликлари учун афсус чеккан бўлишса ажаб эмас.

...Университетни тарк этган икковлон Менло-Парк шаҳридаги бир уйнинг гаражида камтарона оғич оқиди. Бу Сюзен Вожскининг уйи бўлиб, 1998 йилда ипотека кредити ҳисобига 600 минг долларга сотиб олган эди. У кредитни тўлашда кўмак учун Ларри ҳамда Сергейга уйнинг бир хонаси ва гаражини ижарага беришга мажбур бўлади.

Орадан саккиз йил ўтиб, Санта-Маргарита кўчасидаги ушбу уйни Google компанияси харид қилади. Бугун бу уй компаниянинг илк офиси сифатида мамлакатнинг диққатга сазовор иншоотлари қаторидан жой олган. Компания учун ўз уйини ижарага берган Сюзен Вожски Google ташкил топган дастлабки йиллардаёқ компанияга ишга қабул қилинади. Ҳозирги кунда у компанияда етакчи менежерлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

“Google” ми ё “googol”?

Ларри ҳамда Сергей ўз компанияларини тузиш арафасида унга муносиб ном излай бошлашади. Улар ўзаро келишиб, компанияни бир ҳамда юзта нўлдан иборат санокчи билдирувчи “googol” атамаси билан номламокчи бўлади. Бу компания, хусусан, “googol” қидирув тизимининг чексиз имкониятларига ишора эди. Лекин бу орада қизиқ бир ҳодиса юз берди. Стэнфорд университетининг профессори Дейвид Черитон Пейж ҳамда Бринни йирик сармоядор дўсти, Sun Microsystems компаниясининг асосчиси Энди Бехтольсхайм билан таништиради. Бунинг учун Черитон дўсти Энди Бехтольсхаймга 1998 йил август ойида электрон мактуб жўнатиб, уни Пейж ҳамда Бриннинг гоё ва мақсадларидан воқиф этади. Энди Бехтольсхайм мактубни ўқиб, еш ихтирочилар билан Черитоннинг хонадонидега учрашмокчилигини маълум қилади. Бехтольсхайм янги компаниялар ташкил қилиш бўйича катта тажрибага эга шахс эди. Қолаверса, у компьютер технологиялари ҳамда Интернет билан боғлиқ сўнгги жараёнлардан ҳам беҳабар эмасди. Учрашув чоғида Сергей ва Ларри Googleнинг бошқа Интернет қидирув тизимларидан афзалликлари ҳақида маълумот бераётганда, Энди Бехтольсхайм уларнинг гапини бўлиб, “Бу жуда қизиқ, бироқ роса шошилман”, дейди. Компаниянинг номи нима, деб сўраганда эш дастурчилар Googol Incorporated деб жавоб беришади. Бироқ Бехтольсхайм шошилганиданми Googol Incorporatedга эмас, балки Google Incorporated номи компания ҳисобига 100 минг долларлик чек ёзиб беради. Истеъмолда ҳали “google” атамаси йўқ, қолаверса, компания ҳали расман ташкил этилмаган эди. Банкдан мазкур маблағни олиш учун эса компанияни айнан шу ном билан рўйхатдан ўтказиш талаб этиларди. Бу иш 1998 йилнинг 4 сентябрида амалга ошди — Google компаниясига асос солинди. Компаниянинг устав капитали эса 1 миллион доллар, деб эълон қилинади. Кундалик ҳаётимизда тобора кўп қўлланиб келинаётган “to google” (излаш маносини билдиради) феъли 2006 йилда Оксфорднинг инглиз тили луғати рўйхатига киритилди.

Компания логотипининг яралиш тарихи ҳам ўзига хос. Сергей билан Ларри компания ёрлигини яратиш учун дизайнер Рут Кедарга мурожаат қилишади. Google компаниясининг логотипи жуда

оддий бўлиб, ушбу сўздаги ҳарфлардан иборат қилиб ишланган. Унда кўк, қизил, сариқ ҳамда яшил ранглардан фойдаланилган. Бу оддийлик замирида Интернетда фойдаланувчиларни ўзига жалб этиш, ушбу қидирув тизимига нисбатан меҳр уйғотиш мақсади яширилган.

Ёрлик муаллифи, дизайнер Рут Кедарнинг таъкидлашича, компания логотипида ҳарфларнинг шакли ва ранги шундай танланганки, бу фойдаланувчиларда қидирув тизимнинг оддий ва сифатли эканига ишонч уйғота олади.

Google — инновацион компания

Google компаниясининг қароргоҳи АҚШнинг Маунтин-Вью шаҳрида (Калифорния штати)да жойлашган. Пичаи Сундараражан компаниянинг амалдаги бош директори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бугун Ларри Пейж ҳамда Сергей Брин компаниянинг 16 фоиз акцияларига эгаллик қилмоқда. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, Сергей Бриннинг бойлиги 47,2 миллиард долларни ташкил этади. Ларри Пейж эса унга қараганда 1,3 миллиард долларга ўзиб кетди.

1998 йилда “PC Magazine” журнали тузиб чиққан энг оммавий 100 сайтдан иборат рўйхатда Google қидирув тизими биринчи ўринда қайд этилди. Ўша йили “Google”га мурожаат қилганлар сони кунига 18 миллион етди ва у энг оммавий қидирув тизимига айланди. 2000 йилда компания “AdWords” дастурини ҳам ишга туширди. Унга онлайн тарзда рекламаларни жойлаштириш мумкин эди. 2004 йилда компания акциялари биржада савдо қилина бошлади.

Googleнинг француз, немис, италян, швед, фин, испан, португал, нидерланд, норвег, дат, сал кейинроқ эса хитой, япон, корей тилидаги версиялари ишга туширилди. Google кенг имкониятларга эгаллиги уни бошқа Интернет қидирув тизимларига қараганда оммалашигага замин яратди. Мисол учун, Google бир қатор фойдали иловаларга эга. Улардан бири — “Chrome” браузер. У “Microsoft” ҳамда “Firefox” браузерлари билан чинакам рақобат қила олади: фойдаланилиши оддий ҳамда тезкор.

“Хужжатлар” — бепул дастурий таъминот бўлиб, у хужжатлар, жадваллар, тақдимотларни холдан яратиш имконини беради. Ушбу дастурий таъминот имкониятларидан Google сайти орқали ҳар қандай компьютерда фойдаланиш мумкин. Фақат браузерга эга бўлиш талаб этилади, холос. Googleнинг Earth дастури Ер шарининг исталган нуқтаи суратини 360 даражагача аниқликда томоша қилиш имконини беради. Дастур аниқ вақтда ишламайди. У танланган жойни аэрофотосуратлар орқали кўрсатади. Бундан ташқари, Google қидирув тизими “Google китоб”, “Google Android”, “Google расмлар”, “Google харита”, “Gmail”, “Google янгиликлар”, “Google Sets” сингари қулай ва замонавий иловаларга ҳам эга.

Google — энг инновацион компаниялардан бири. Утган йили энг кўп патентларни қўлга киритган компаниялар орасида олтинчи погонани эгаллади. Компания қидирув тизими сайтга жойлаштириладиган рекламалар ҳисобига яхшигина даромад қилади. Google 2010 йилдан бошлаб йирик компаниялар билан ҳамкорликда “Google Nexus” деб номланган планшет ва смартфонларни ишлаб чиқармоқда. Компания 2017 йилда 12,7 миллиард доллар соф фойда кўрди. Ҳозирги кунда унинг тизимида 80 мингдан зиёд ходим фаолият юритмоқда.

2004 йилда Google Keyhole, Inc. компаниясини сотиб олди. Мазкур стартап ишлаб чиққан “Earth Viewer” деган сервисда Ернинг сунъий йўлдош орқали туширилган суратлари жойлаштирилди. 2005 йилда ушбу сервис “Google Ер сайёраси” деб номланди. Орадан икки йил ўтиб компания 1,65 миллиард долларга YouTube видеохостингини сотиб олди. 2007 йилнинг 13 апрелида Google 3,1 миллиард долларга Интернет рекламаси билан шуғулланадиган DoubleClick компаниясини харид қилди. 2015 йилда Google — Alphabet Incнинг шўъба компаниясига айланди. Alphabet Incнинг амалдаги бош директори Ларри Пейж, Президенти Сергей Брин, Директорлар кенгаши раиси эса Эрик Шмидт ҳисобланади.

Ўзбекистон Google компаниясига ҳам унинг тузилмалари билан яқин ҳамкорлик қилишга интиломоқда. 2017 йилнинг 6 май кунини Тошкентда “Ўзбектелеком” акционерлик компанияси раҳбарияти ва мутахассислари Google Global Cache (GGC) компаниясини вакиллари билан учрашди. Учрашув давомида ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон фойдаланувчилари учун Google сервисларининг сифатини яхшилашни масалалари муҳокама этилди.

Учрашувда GGC вакиллари Дейв Шварц ва Ян Клири “Ўзбектелеком” АК технологик майдонида GGC ускуналарини ўрнатиш орқали Ўзбекистон фойдаланувчилари учун Google сервисларининг сифатининг яхшиланиши имкониятларини намойиш этдилар. Учрашув якунида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш бўйича келишилди.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ, “Milliy tiklanish” шарҳловчиси

“БИРИНЧИ ЎЗБЕК МАГЕЛЛАНИ”...



бошладим”.

Буюк сайёҳ бутун дунёни айланиб, саяхатларининг таассуротларини чоп эттирди — 90 га яқин асарлар битди. Уларда ўз юртдошларини дунёнинг ранг-баранг қадимқоҳларини, ер кўррасининг энг сара шаҳарларини, ўз

замонасининг қизикарли ва муносиб ҳаёти билан таништиради. Унинг асарлари Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Туркия, Миср китобхоналарига яхши таниш эди. У асарлари орқали ўз замонаси воқеалигини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Мирзо Сирож мусулмон олимларининг кўп асрлик орусини амалга оширди. XX асрнинг 70-йилларида хорижий тарихчилардан бири Мирзо Сирожни “биринчи ўзбек Магеллани”, деб эътифод этиди, уни бутун оламга таништирди.

Тақдир экан, буюк сайёҳ сиз касалигига чалиниб, 37 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Аммо унинг меҳнати ва орзулари зое кетмади. XX аср охири — XXI аср бошларида Ўзбекистонда оламшумул ўзгаришлар содир бўлди. Афсуски, шўролар даври гоёси таъсирида Мирзо Сирожга тегишли бўлмаган ёки унинг руҳиятига тўғри келмайдиган фикрлар ҳам асарларига қиритиб юборилди-ёки сийсатга қараб ўзгартирилди. Мустақиллик шарофати билан бу каби хатоликларга чек қўйилди, Мирзо Сирож ҳаёти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди, унинг меросини ҳаққонини нуқтаи назардан тадқиқ этиш бошланди. Истиқлол йилларида Мирзо Сирожнинг баъзи қўлёзмалари, таржимаи ҳоли ва фаолиятига оид илмий мақолалар чоп этила бошлади, магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинди, Бухоро давлат музей-қўриқхонасида махсус экспозициялар уюштирилди. Лекин табиийки, Мирзо Сирож фаолиятининг ҳали очилмаган кўп қирралари мавжуд. Унинг бой ижодий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, илмий асарларини қайта нашр этиш тарихчи, сийсатшунос олимлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномасида юртимиздаги китоб фондларида буюк алломаларимизнинг қўлаб қўлёзма асарлари сақланаётгани, аммо бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу борда Президентимизнинг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган, унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарҳшунослик институти қадимий қўлёзмалар, ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш

бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилангани айтиш мудоо бўлди. Бу, ўз навбатида, Мирзо Сирож каби етук олимларнинг улкан ёзма меросини асраб-авайлаш, илмий тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Буюк сайёҳ Мирзо Сирожнинг асарларини тадқиқ этиш билан бирга, миллий географик ахборот тизимини яратиш, география бўлимларида талабалар учун махсус стипендиялар таъсис этиш, гуманитар фанлар, айниқса, тарих, фалсафа, социология, психология, сийсатшунослик, география каби дарсликларга Мирзо Сирож асарларидаги иллативратив материаллар ва уларнинг изоҳларини киритиш, унинг интеллектуал меросини тарғиб қилишга қаратилган халқаро лойиҳаларга (грантларга) юртимиз ёшларини кенг жалб этиш лозим. Шу билан бирга, улуг алломанинг ҳайкали лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш, шу орқали тарихий адолатни қарор топтириш, ушбу ҳудудда файзли боғ яратиш, унда мунтазам равишда қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, Мирзо Сирождек етук маърифат-парварларимизнинг номларини тиклаш, уларнинг ибратли ҳаёт йўли воситасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улғайиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақамлаш давр талабидир.

Феруз БАҒОЕВ, Бухоро муҳандислик-технология институти доценти

Янги руки: Замонамиз зиёлиси

ЧЎҚКИГА БУРГУТ ЯРАШАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Шукри, мустақиллик овоз ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлиги, кадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият берди. Юртимизда тинчлик, осойишталик, ободлик, фаровонлик, ақиллик ва ҳамжиҳатлик баробарида, инсон қадрининг шундай юксак даражада улуғланиши бебаҳо неъмат сифатида эътироф этилмоқда. Хўш, бугун тинч ва осуда юртимизда шиддатли ислохотлар амалга ошириляётган бир пайтда зиёли инсон қандай бўлмоғи керак? У қай бир жиҳатлари билан жамиятнинг бошқа аъзоларига намуна кўрсатиши лозим? Янги рунда ушбу саволларга мамлакатимизнинг таниқли адабиёт, санъат ва фан номояндлари чиқишлари воситасида жавоб изланади.

Куйида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли ёзувчи Ашурали ЖўРАЕВнинг бу борадаги ўй-фикрлари, кечинмалари, ҳақиқатлари билан танишамиз.

Ёзиш — машаққат

Ижод мен учун касб дардларидан фориг бўлиш. Ижод жараёнини ҳам, унинг завқини ҳам аниқ таърифлаб, тасвирлаб бўлмайди. Бу илоҳий жараён ҳар қайси ижодкорда ҳар хил кечади. Гапнинг очиги, ижоднинг завқидан кўра унинг азоби, изтироби кўп. Умуман олганда, ёзишнинг ўзи машаққат. Ёзганингизни ўқувчилар яхши баҳоласа, бу — бахт.

Тўғриси, нима учун ёзишимни билмайман. Юрагим қўлингга қалам олгин, дея ишора бергандагина ёзим келади. Айрим ижодкорларга ўхшаб ҳар куни ёзолмайман. Ёзаётганда юрак жиз этмаса, қўлим қаламга бормайди. Ёзиш учун ҳаётда мавзу жуда кўп. Лекин ҳаммаси ҳам сизга тўғри келмаслиги, юрагингизни "қитқилмаслиги" мумкин. Ўйлаб юрган яхши нарсангиз қоғозга тушса, ҳузур қиласиз, энгил тортасиз. Баъзан дангасалик чўзилиб кетади. Шуниси ёмон-да...

Ёзмаган пайтларим кўп ўқийман. Бир ёзувчи дўстим айтганидек, "ёзиш азоб, ёзиш машаққат".

Ижодкор-зиёли ҳаммиша қайноқ ҳаёт ичида бўлиши керак

Хўш, ижодкорнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак? Бу саволнинг жавоби оддий кўринса-да, лекин ижодкорнинг жамиятдан ўз ўрнини топиш жараёни осон кечмайди. Баъзилар бир жамоада узоқ йил ишлаши мумкин, лекин ўша жамоада ўз ўрнини тополмайди. Жамиятда ҳам шундай...

Ижодкорнинг ўрни салмоқли сўзи, ибратли маънавияти, инсонийлиги, ватанпарварлиги ва энг муҳими, ёзганининг ростлиги, ҳақиқат томонда қатъий турганлиги билан ўлчанади.

Унинг асосий вазифаси ана шу мезонлар билан белгиланади. Ўзи яшаб турган жамиятга, халқига ҳалол, садоқат ва жасорат билан хизмат қилиш ҳам юксак ва шарафли бурчдир.

Бугун ижодкор-зиёли олдида юксак вазифалар қўйилмоқда. Ҳамма соҳада бўлаётган беқиёс ўзгаришлар ва ислохотлардан ижодкор ҳам четда туролмайди. У ҳаммиша қайноқ ҳаётнинг ичида бўлиши керак. Бугунги ҳаёт ижодкор учун мавзунини қалаштириб ташлади. Ёзувчи унинг энг муҳимларини ажратиб олиши лозим.

Ҳаёт шиддат билан давом этаётир. Бу жараёнда ижодкор-зиёли ўз ўрнини топиши ва вазифасини белгилаб олиши осон эмас. Бугун Ўзбекистонга дунё кириб келаётир. Шундай экан, ҳеч биримизнинг томошабин бўлиб қўл қовиштириб туришга ҳаққимиз йўқ.

Зиёлилик белгиси фақат... илмдами?

Илм биринчи белги. Ҳақиқий ва чинакам зиёли бўлиш ўзини зиёли ҳисоблаб юрганларнинг барчасига ҳам насиб этмайди. Ҳаётда кўрдик: истеъдодли ижодкор ёки олим бўлиш мумкин экан, лекин чин зиёли бўлиш насиб этмаслиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки зиёли тушунчаси жуда ҳам кенг. Унга аниқ бир ташхис қўя олмаймиз. Зиёли инсонда билим, юксак тафаккур, гўзал маънавият, ибратли одоб, ватанпарварлик, ҳақиқатпарварлик сингари фазилатлар мужассам бўлиши керак.

Шўро даврида олий маълумот олган одам зиёли ҳисобланарди. Ва ўйлайманки, шундай қарашлар оқибатида зиёли тушунчасига анчагина путур етган эди. Масалан, сизга дарс бераётган олим дарсда ҳалоллик, тўғрилиқ ҳақида оғиз

тўлдириб гапирса-ю, имтиҳон пайти пора талаб қилса, у зиёли эмас, қўп-қуруқ тазмагир бўлиб қолади. Ёки ўзини зиёли ҳисоблаган қанча-қанча зотлар асл башарасини бекитиб, не-не номаъқул ишларни қилиб юрганига гувоҳимиз-ку! Эси...

Зиёли номи авлиёлликка яқин туради. Зиёли бўлиш ўз миллати олдида улкан масъулиятни олиш демакдир. Миллат учун, унинг маънавияти ва нури келажаги учун ҳақиқий зиёлида мудом жавобгарлик ҳисси жўш уриб туриши, виждони ҳаммиша уйғоқ бўлиши керак.

Теран илдишлар

Миллатимиздан етишиб чиққан барча улғу зотлар, буюк мутафаккирлардан тортиб, яъни Алишер Навоийдан то Абдулла Ориповгача барча-барчаси миллат тамаддунининг устунларидир. Тарихимиз шон-шавкатга бой. Соҳибқирон Амир Темур тузган давлат бизнинг қандай улғу миллат эканлигимизни дунёга намён этиб келаётир.

Бугунги мустақиллик даври тараққиёти ҳам юқорида айтилган теран илдишларнинг барҳаётлигини кўрсатиб турибди. Энди буёғи бизнинг аҳиллигимизга, чуқур илмимизга боғлиқ. Масалан, куни кеча "Ўзбекистон 24" телеканалда Тошкент шаҳрининг қатор маҳаллаларидаги ачинарли аҳвол кўрсатилди. Бир-бирдан аянчи кўчалар, уйлар, маҳаллаларни кўриб, қалбингиз оғрийди. Кишини наҳотки, мамлакатимиз пойтахтида ҳам шундай аҳволдаги жойлар бор бўлса, деган савол қийнайди. Афсуски, бор экан! Телеэкранда кўрсатилган ахлат уюмлари, нураб бораётган деворлар, уйлар аслида йиллар давомидаги ёлгон, алдов, кўзбўямачиликнинг "юксак хирмони"дир. Агар Президентимиз биринчи галда ёлгон, кўзбўямачиликнинг илдизига болта

уришга киришмаганида аҳволимиз не кечарди? Бу ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган азалий кусурлардан бири. Энди бундай яшаб бўлмаслигини Юртбошимиз қайта-қайта такрорлаётгани ҳам бежиз эмас...

Юрт қадри, миллат шаъни...

Инсон учун ҳар иккаласи ҳам олий тушунчалардир. Айтилик, Ватан қадрланганда, ўз-ўзидан миллат шаъни улуғланади. Миллат мадҳ этилганда Ватан куйланади. Устоз Эркин Воҳидов ёзганидек: "олам узра номи кетган Ўзбекистон ўзбегим". Кўриниб турибдики, бизда бу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Улар эгизак, бир-бирдан мутлақо ажратиб бўлмайди.

Қанча-қанча замонлар ўтди, турли-турлик тузумлар умргузаронлик қилди. Лекин Ватан қолди, халқ қолди. Зиёли учун Ватан ва миллат шаънини улуғлаш — юксак бурч. Бунга устоз шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва яна қанчадан-қанча ижодкор-зиёллар фаолиятини мисол келтириш мумкин. Улар Ватани фахр ва ифтихор билан куйлади, қайғусига қайғурди, севинчидан шодланди.

Ватан ва миллат ҳақида шунчаки ҳиссиз сатрларни ёзиб бўлмайди. Қуруқ ва саёз қоғиялар билан на Ватани, на миллатни улуғлаб бўлади. Бу икки табаррук мавзу, айниқса, маддоҳликни ёқтирмайди. Ватан ва халқни майда, тўпори туйғур билан севиб ёки ёзиб бўлмайди. Чумчуқ юксак чўққиди тургани билан барибир кўринмайди. Чўққига бургут ярашади. Ҳаммиша бургут бўл, бургутдай шиддаткор бўл, бургутдай олис ва юксак манзилларни кўзла!

Реклама

QISHLOQQURILISHBANK

Кўшимча маблағ керакми?

"Қишлоққурилишбанк" жисмоний шахсларга микроқарз таклиф этади!



Жисмоний шахсларга микроқарз!

МИКРОҚАРЗ:

□ 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига;

□ нақд ёки қарз олувчининг номига очилган пластик картасига ўтказиб бериш орқали;

□ 12 ой муддатга, 1 ойлик имтиёзли давр билан кейинги 11 ойда тенг тақсимланган ҳолда қайтариш ва ойлик 3 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилади.

"Қишлоққурилишбанк" — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-93-39
(+99871) 150-76-57

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Фестиваль

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ
НАВОИДА "НУРЛИ НАВОЛАР" ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзининг мазмундорлиги, тарбиявий аҳамияти ва умрбоқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи фолклор халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадиий ифода эттирилган азалий қадриятдир. Навоий вилоятида ўтказилган "Нурли наволар" халқаро фолклор фестивали ҳам миллий ашула ва рақс санъати, аждодларимиздан мерос турли қадрият ва анъаналар тараннумига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда республикаимизнинг барча ҳудудидан келган фолклор-этнографик жамоалар, қўшни мамлакатлар — Тожикистон, Қозғистон, Афғонистон каби давлатлардан ташриф буюрган 20дан ортиқ фолклор санъати фидойилари, таниқли олимлар иштирок этди.

Президентимиз ташаббуси билан халқаро миқёсда ўтказилаётган бу фестивал азалий анъана ва қадриятлари туташ бўлган Марказий Осиё давлатларини нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маданий ва маънавий жиҳатдан ҳам жипслаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро фестивалнинг Нурота туманида, хусусан, ўзининг узоқ йиллик бой тарихий мероси билан маънавият сарчамаси сифатида бутун дунё эътиборини тортиб келаётган "Чашма" тарихий мажмуасида ўтказилишида ҳам ўзига хос маъно бор. Бу муқаддас жой азалдан маънавият маскани сифатида эъзозланиб, том маънода халқ амалий санъати улғу аждодларимизнинг урф-одат ва анъаналари билан уйғунлашиб кетган маданият ўчоғи ҳисобланади.

Фестивалда фолклор-этнографик жамоаларнинг 250дан ортиқ қатнашчилари ўз ҳудудига хос либос ва қадимий куй-қўшиқлар асосида тайёрланган дастурларини намойиш этдилар.

— Фестиваль фолклор ва бахшичилик санъати буюк маънавиятимизнинг ҳақиқий сарчамаси эканини кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий ғурур, Ватанга садоқат туйғуларида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятдир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фолклоршунос Нуриддин Амримонов. — Қадим адабиётимиз дурдоналаридан саналган ўзбек халқ



ижодининг бахшичилик йўналиши асрлар давомида тиллардан тилларга, диллардан дилларга, эллардан элларга кўчиб, асраб-авайланиб келинаётгани халқимизнинг маънавий меросимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътибори намунаси дейиш мумкин. Бахшичилик мактабининг йирик намоёндалари бўлган улғу аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш иштиёқиди ёшлар сафи кенгайиб бораётгани боқий қадриятларимиз бардавонлигидан далолат беради.

Фестивалда Хоразм вилоятининг "Наврўз" ва Сирдарё вилоятининг "Сирдарё наволари" жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни Тошкент вилоятининг "Қурама", Бухоро вилоятининг "Қасри Орифон" ва Самарқанд вилоятининг "Бешқарсақ" жамоалари эгаллади. Учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикасининг "Мерас", Андижон вилоятининг "Сайқал", Навоий вилоятининг "Кармана юлдузлари" ва Сурхондарё вилоятининг "Бойсун" жамоаларига насиб этди.

Нилуфар КАРИМОВА,

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ходими

ТУРФА ОЛАМ

ҚАДИМИЙ ОДАМЛАР МАНЗИЛГОҲИ ТОПИЛДИ



Германиядаги Макс Планк номидаги жамиятининг инсон ривожланиши институти олимлари Кениядаги Панга-я-Саиди горида бундан 78 минг йил аввал яшаган қадимий одамлар манзилгоҳини топди. Бу ҳақда "ria.ru" хабар тарқатган.

Панга-я-Саиди ғорлар тизмаси бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 1000 метрни ташкил қилади. Ғорлар тизими океан қирғоғидан 15 километр узоқликда жойлашган бўлиб, бу масофа турли даврларда сув сатҳининг кўтарилишига қараб ўзгариб турган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ғордаги одамлар балиқ тутмаган, овчилик ва термачилик билан шуғулланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, бу ерда яшаган қадимий одамлар тошга ишлов беришни ўрганган ҳамда ривожланган қуролларга босқичма-босқич ўтган. Панга-я-Саиди ғоридан топилган тош қуроллар бундан 78 минг йил илгари ясалгани аниқланган.

Шаҳзод ФАФФОРОВ тайёрлади.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортинқали ҚОЗОҚОВ, Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-89-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47,

Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашрият-матбаа акциядорлик компаниясини босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 616, Адади — 7484. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ФАФФОРОВ

Навбатчи: Нурбек ЙУЛДОШЕВ

Саҳифаловчи: Жалолддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,

mtiklanish@mail.ru

Босишга топириш вақти — 21.30.

Топширилди — 01.25. ҲА ақуни — 00.35.

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

ISSN 2010-7714

1 2 4 5 6